

ЎРҚИН КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 8 январь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 3 (7199)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА ТАБРИГИ

Мухтарам биродарлар!

Аввало, сизларнинг барчангизни юртимизга кириб келаётган муқаддас айём — Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу табаррук байрамни бутун ер юзидаги мўмин-мусулмонлар энг пок ва эзгу туйғулар билан мунтазир бўлиб кутадилар.

Она заминимизга илоҳий марҳамат ёғилган мана шу қутлуг кунларда ҳар бир инсон, авваламбор, ўз оиласи, ўз яқинларига Оллоҳ таолодан бахт-саодат тилайди, эл-юртда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром, хайр-саховат ҳукм суришини, иймон-эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини сўрайди.

Бу муборак байрамнинг янги аср арафаси — 2000 йил бошига тўғри келгани ҳам бежиз эмас. Бу қутлуг айёмни руҳан покланиб, олижаноб орзу-умидлар билан кутиб олишимизнинг рамзий мазмуни, илоҳий маъноси бор. Бу ҳам бўлса, Яратганимизнинг бизга ато этган яна бир улуг неъматидир.

Мана шу файзли кунларда одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, беморлар, қарияларни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариш — муқаддас ислом дини-

мизнинг энг улуг фазилатларидандир.

Шу маънода, мен мамлакатимизда бошланган Мурувват кунлари бутун йил бўйи давом этишини истардим. Чунки бундай ўлмас қадриятлар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб, уларнинг исломий тарбияси орқали қалбимиздан, юрагимиздан теран жой олган.

Биз — бутун ислом дунёсида буюк хизматлари билан ном қозонган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг бугунги авлодлари, Истиқлол шарофати билан табаррук Рамазон ҳайити — Йид ал-Фитрни жаҳондаги барча соф ниятли мусулмонлар қаторида шоду хуррамлик билан байрам қилишга муяссар бўлганимиздан бахтиёрмиз.

Бу улуг ва мўтабар байрам билан сизларни яна бир бор самимий қутлар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга фаровонлик тилайман.

Менинг Оллоҳ таолодан доимо сўрайдиган тилагим — юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимизнинг боши омон бўлсин!

Рамазон ҳайитингиз қутлуг бўлсин!

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримов 6 январь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Шўхрат Жалилов очди.

Ислам Каримовнинг ишончли вакили, Тошкент Давлат университети ректори Тўрабек Долимов йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил Ислам Каримов мустақиллигимиз асосчиси, мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат арбоби эканини, айниқса, унинг бошчилигида пойтахтимиз Тошкент миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган гўзал шаҳарга айлантирилганини таъкидлади.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Пойтахтимиз Тошкентнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти ҳаммамизга аён. Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкўёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир, деди Иўлбошимиз.

Ислам Каримов айтиб ўтганидек, Шарқ дарвозаси деб ном олган Тошкент фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак раванқ топган, Ватанимиз шўхратини бутун дунёга тараннум этадиган маърифий марказ сифатида обрў қозонган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир.

Юртбошимиз Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирар экан, унинг ривожланган саноати мамлакатимиз раванқининг таянч устунларидан бири эканлигини таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16 фоизи, саноат маҳсулотининг 20 фоизи, ташқи савдо айланмасининг салкам 30 фоизи шаҳар хиссасига тўғри келади. Бу ердаги мавжуд 2 минг 350 корхонанинг қарийб 90 фоизи нодавлат секторига тўғри келиши иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги ишларимизнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа кўпгина давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган "Ўзкейстрактор", "Ўзсматана", "ЎзБАТ", "Кока-кола", "Спектр", "Ўзтексано", "ЎзДЭУ электроникс", "ЎзСамсунг электроникс", "Кабул-Ўзбек Компани" каби корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан мамлакатимиз салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилаётганини айтди.

Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик

марказига айланди. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди. Кейинги йилларда қад ростлаган муҳташам бинолар, барча қулайликларга эга бўлган бозорлар, кенг ва мустаҳкам кўприклар, кўкаламзор боғлару майдонлар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият бошқарувидаги мавқеини ошириш масаласи ҳақида гапирар экан, Ислам Каримов нодавлат жамоат идоралари орасида халқимизнинг миллий табиати, азалий анъаналарига асосланган маҳалла бошқарувининг ўрни бекиёслиги, буни пойтахтимизда ташкил этилган 445 маҳалла фаолиятида яққол кўриш мумкинлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари пойтахт коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кейинги йилларда анча ишлар қилинганини айтиб ўтди. Шаҳар бўйича иситиш тармоқлари 327 километрга, газ тармоқлари 1000 километрга, водопровод тармоқлари 250 километрга, канализация тармоқлари эса 600 километрга узайтирилди. Тошкент ГРЭСидан иситиш марказларига 15 километр узунликдаги сув қувури тортилиши натижасида Юнусобод туманидаги хонадонларни иссиқ сув билан, йирик сув тақсимлаш тармоғининг ишга туширилиши туфайли эса Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланди.


Ислам Каримов соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқларга тўхталиб, кейинги йиллар ичида пойтахтимизда 15 та замонавий шифохона, 29 та поликлиника ва қатор тиббий пунктлар барпо этилганини пойтахтимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш бош масалалардан бири эканидан далolat беришини қайд этди.

Сўзининг якунида Ислам Каримов "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деганда, энг аввало, халқимизнинг, жумладан, Тошкент аҳлининг олижаноб фазилатларига, бунёдкорлик салоҳиятига, эртанги янада ёруғ кунларга бўлган қатъий ишончига суянишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани "Самарқанд дарбоза" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Халил Набиев, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Гулчехра Олимжонова, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходими Зафар Муҳаммадазизов, украин миллий маданият маркази аъзоси Зинаида Соловей, журналист Саида Жўраева истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора юксаклаётгани, кенг қамровли ислохотлар жараёни Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги улкан салоҳиятидан далolat эканлигини таъкидладилар. Улар пойтахт аҳлини 9 январда бўладиган Президент сайловида Ислам Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Беҳзод УСМОН
(ЎЗА)

ЭРТАГА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА САЙЛОВ КУНИ



ИҚБОЛИНГ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН, БОЛАЖОН!

ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛИНСА...

ЎХУД ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИ АМАЛДА ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ

Ўқувчилар билим даражасини ҳаққоний баҳолашнинг янги услуб ва технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 29 июлдаги 136-сонли, 20 августдаги 150-сонли "Ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тажриба-синовдан ўтказиш ҳақида"ги махсус буйруғи чиқди. Ушбу буйруқ асосида республикадаги бир қанча мактабларда экспериментатор ўқитувчилар томонидан синов ишлари икки вариантда олиб борилмоқда. Биз қуйида ўқитувчиларга амалиётда қулай бўлиши учун «Умумий ўрта таълим муассаса(мактаб)ларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом» талабларидан келиб чиқиб, иккинчи вариант бўйича синов ишларини қандай ташкил этишни 6-синф "Ботаника" фани мисолида кўриб ўтамиз.

- I. ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН) 50 фоиз**
1. Оғзаки сўровлар (Оғ) — 5 балл
 2. Уй вазифаси (Ув) — 5 балл
 3. Лаборатория машғулотли (Лм) — 5 балл
 4. Амалий иш (Аи) — 5 балл
 5. Жорий тест (Жт) — 5 балл
 6. Экскурсия (Эк) — 5 балл

- II. ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН) 30 фоиз**
1. Мустақил иш (Ми) — 10 балл
 2. Реферат (Ре) — 10 балл
 3. Ижодий иш (Ии) — 10 балл
 4. Оралиқ синов (Ос) — 10 балл
 5. Оралиқ тест (От) — 20 балл

- III. ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН) 20 фоиз**
1. Мустақил иш (Ми) — 10 балл
 2. Ижодий иш (Ии) — 10 балл
 3. Имтиҳон (Им) — 20 балл
 4. Якуний синов (Яс) — 10 балл
 5. Якуний тест (Ят) — 30 балл

Ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, бир ўқув йилига мўлжалланган балларнинг назорат паспорти иккинчи андозага мувофиқ ишлаб чиқилади. Бунда назорат шакллари хилма-хиллигини ва сонларини чорақларда ўзгартириш мумкинлиги, албатта, ҳисобга олинади (2-андоза).

2-андозага мувофиқ бир йилга мўлжалланган тақвимий-мавзуий режа ишлаб чиқилади (1-андоза).

О'қитувчига yordam

Тақвимий-мавзуий режада назорат шакли, шартли белги ва максимал балл қачон қайси соатда ўтилиши аниқ кўрсатилади.

Йиллик иш режа шу асосда тузилса, ўқитувчи умуман қийналмайди.

6-синфга "Ботаника" фанидан тузилган тақвимий-мавзуий режа намунаси 1-андозада кўрсатилган.

Тақвимий-мавзуий режа асо-

сида синф журнали юритилади. Синф журналининг юритилиши 6-синф "Ботаника" фани мисолида I-иловада кўрсатилган.

Синф журналини юритишдан олдин ҳафтасига 1-2 соатлик дарслар учун 2 саҳифа асосий, 1(бир) саҳифа қўшимча, 3-4 соатлик дарслар учун 3-4 саҳифа асосий, 2 саҳифа қўшимча, 5-6 соатлик дарслар учун 5-6 саҳифа асосий, 3 саҳифа қўшимча ажратилади. Авваллари синф журнали қандай юритилган бўлса, асосий ажратилган бетга ёзиш ишлари худди шундай олиб борилади. Бунда назорат турлари шакли, максимал балл, ўтиш вақти, мавзулар аниқ кўрсатилади. Аммо ўқувчиларнинг фақат оғзаки сўровлардан олган баллари қайд этиб борилади. Назорат паспортида кўрсатилган биринчи рақамдаги оғзаки сўровлардан ташқари, бошқа барча назорат шаклларида олинган баллар қўшимча ажратилган бетга қайд этилади. Бу ўқитувчи учун қулай бўлиб, ўқувчининг оғзаки сўровлардан олган баллари билан бошқа назорат турларидан олган баллари-

нинг аралашиб кетишига йўл қўймайди. Шунингдек, оғзаки сўровда ўқувчи неча марта қатнашиб бал олса ҳам чегараланмай, фақатгина чорак давомидаги ўқувчининг оғзаки сўровлардан олган баллари жамланади ва шу баллар сонига бўлиниб, ўртача бал чиқарилади. Кейин ўртача чиқарилган бал назорат паспортида оғзаки сўров учун белгиланган назорат сонига кўпайтирилса (Роғ), ўқувчининг ҳақиқий бир ой давомида олган оғзаки рейтинг келиб чиқади. Журналда ажратилган асосий бетга фақат шулар ёзилади. Қўшимча бетга эса оғзаки сўровдан ташқари назорат шаклларида олинган баллар ва (чорак бал чиқаришдан олдин) оғзаки рейтинг бал ёзилади. Роғ бал бошқа назорат шаклларида олинган баллар билан бирга жамланиб, фактик рейтинг аниқланади ва якуний рейтинг чиқарилиб, даража белгиланади (2-иловага қаранг).

Синф журналини юритишнинг шу қоидага амал қилинса, ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини қўллашда ўқитувчи ҳеч қандай муаммога дуч келмайди.

6-СИНФГА "БОТАНИКА" ФАНИ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН ТАҚВИМИЙ-МАВЗУИЙ РЕЖА

1-андоза

| Дарслар | Дарс мавзулари | Соат сони | Назорат шакли | Шартли белги | Белгиланган балл | Дарслик-даги саҳифа | Ўтиш вақти | Хулоса |
|---------|--|-----------|---------------|--------------|------------------|--|------------|--------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1. | I-Боб. Гулли ўсимликлар билан умумий танишув Кириш. | 3 | | | | 3-5-бет | 3/IX | |
| 9. | Пиёз пўстидан ва чигит тукларидан препарат тайёрлаш ва уларни кўриш. III-боб. Илдиш. Илдишнинг турлари. | 1 | 1-Лаб. маш. | Лм | 5 | | | |
| 10. | Илдишнинг ташқи ва ички тузилиши. Илдишнинг ердан сув ва минералларни шимиши, илдишнинг нафас олиши. Илдиш мевалар, ўғитлар. | 1 | Оғзаки сўров | Оғ | 5 | 11-§. 42-47 б. 12, 13-§. 48-51-б. 14, 15-§. 51-53-б. | 4/X | |
| 11. | Илдишнинг ташқи ва ички тузилиши. Илдишнинг ердан сув ва минералларни шимиши, илдишнинг нафас олиши. Илдиш мевалар, ўғитлар. | 1 | | | | 16,17-§. 54-57-б. | 15/X | |
| 12. | Илдишнинг ташқи ва ички тузилиши. Илдишнинг ердан сув ва минералларни шимиши, илдишнинг нафас олиши. Илдиш мевалар, ўғитлар. | 1 | | | | | 18/X | |
| 13. | Илдишнинг ташқи ва ички тузилиши. Илдишнинг ердан сув ва минералларни шимиши, илдишнинг нафас олиши. Илдиш мевалар, ўғитлар. | 1 | 2-Лаб. маш. | Лм | 5 | | | |
| 14. | Микропрепаратлар орқали илдишнинг ички тузилишини микроскопда кузатиш. Хужайра илдиш мавзусини умумлаштириш. | 1 | Оралиқ тест | От | 20 | | 22/X | |
| 15. | Хужайра илдиш мавзусини умумлаштириш. | 1 | | | | | | |

Ўқув фани: **Ботаника** (асосий бет)

6-СИНФГА "БОТАНИКА" ФАНИДАН БИР ЎҚУВ ЙИЛИГА АЖРАТИЛГАН БАЛЛАРИНИНГ НАЗОРАТ ПАСПОРТИ

2-андоза

| Назорат тури | Назорат шакли | Шартли белги | Белгиланган балл | I чорак | | II чорак | | III чорак | | IV чорак | | жами | |
|------------------------|---------------------------|--------------|------------------|--------------|------------------|--------------|------------------|--------------|------------------|--------------|------------------|--------------|------------------|
| | | | | Назорат сони | Белгиланган балл | Назорат сони | Белгиланган балл | Назорат сони | Белгиланган балл | Назорат сони | Белгиланган балл | Назорат сони | Белгиланган балл |
| Жорий назорат 50 фоиз | 1. Сўровлар | Оғ | 5 | 2 | 10 | 2 | 10 | 2 | 10 | 1 | 5 | 7 | 30 |
| | 2. Уй вазифаси | Ув | 5 | - | - | 1 | 5 | 1 | 5 | - | - | 2 | 10 |
| | 3. Лаборатория машғулотли | Лм | 5 | 2 | 10 | 2 | 10 | 2 | 10 | 1 | 5 | 7 | 35 |
| | 4. Амалий иш | Аи | 5 | - | - | 1 | 5 | 1 | 5 | 1 | 5 | 3 | 15 |
| | 5. Экскурсия | Эк | 5 | - | - | - | - | - | - | 1 | 5 | 1 | 5 |
| | 6. Жорий тест | Жт | 5 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | Жами | | | 4 | 20 | 6 | 30 | 6 | 30 | 4 | 20 | 20 | 100 |
| Оралиқ назорат 30 фоиз | 1. Мустақил иш | Ми | 10 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | 2. Реферат | Ре | 10 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | 3. Оралиқ синов | Ос | 10 | - | - | 1 | 10 | - | - | 1 | 10 | 2 | 20 |
| | 4. Оралиқ тест | От | 20 | 1 | 20 | - | - | 1 | 20 | - | - | - | - |
| | 5. Ижодий иш | Ии | 10 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | Жами | | | 1 | 20 | 1 | 10 | 1 | 20 | 1 | 10 | 2 | 20 |
| Якуний назорат 20 фоиз | 1. Мустақил иш | Ми | 10 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | 2. Ижодий иш | Ии | 10 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | 3. Имтиҳон | Им | 20 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | 4. Якуний синов | Яс | 10 | - | - | 1 | 10 | - | - | 1 | 30 | 1 | 10 |
| | 5. Якуний тест | Ят | 30 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 30 |
| | Жами | | | - | - | 1 | 10 | - | - | 1 | 30 | 2 | 40 |
| | Умумий балл | | | 5 | 40 | 8 | 50 | 7 | 50 | 6 | 60 | 26 | 200 |

1-илова

Ўқув фани: **Ботаника** Рейтинг ҳисоби(қўшимча бет)

2-илова

| Т/Р | Ой | сентябрь | | | | | | | | | | | | октябрь | | | | | | | | | | | | I чор. | |
|-----|-----------------|----------|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|---------|----|----|----|----|------|------|----|--|--|--|--|--------|--|
| | | 3 | 6 | 10 | 13 | 17 | 20 | 24 | 27 | 1 | 4 | 8 | 11 | 15 | 18 | 22 | 25 | 29 | 1 | Урт. | Р. | | | | | | |
| | Кун | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Жн | Урт. | Р. | | | | | | | |
| | Назорат турлари | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Урт. | Р. | | | | | | | |
| | Назор.шакллари | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Оғ | Урт. | Р. | | | | | | | |
| | Макс. балл | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | | бад | 5'2 | | | | | | | |
| 1. | Арзиқулов Н. | 3 | | | 4 | | | | | | | | | 5 | | | | 4 | 4 | 8 | | | | | | | |
| 2. | Бекмирзаев З. | | 3 | | | 2 | | | | | | | | | 1 | | | 4 | 4 | 5 | | | | | | | |
| 3. | Баротова Н. | | | 0 | | 2 | | | | 4 | | | | | | | | 4 | 4 | 5 | | | | | | | |
| 4. | Норбоева Д. | | 2 | | | 3 | | | | 4 | | | | | | | | 3 | 3 | 6 | | | | | | | |
| 5. | Норматов З. | | | 4 | | | | 3 | | | | | | | | | | 3 | 3 | 5 | | | | | | | |
| 6. | Худойқулова М. | | | | 4 | | | | | | | | 5 | | | | | 3 | 3 | 8 | | | | | | | |
| 7. | Низомова Г. | | | | 0 | | | 2 | | | | | | | | | | 4 | 4 | 4 | | | | | | | |
| 8. | Мўминов А. | | 3 | | | | | | | 4 | | | | | | | | 3 | 3 | 5 | | | | | | | |
| 9. | Муҳаммадиев Н. | | | 5 | | | 4 | | | | | | 4 | | | | | 5 | 5 | 9 | | | | | | | |
| 10. | Мардонов Б. | | | | 2 | | | | | | | 3 | | | | | | 4 | 4 | 5 | | | | | | | |
| 11. | Эшпўлатов Х. | | 4 | | | | 5 | | | | | | | | | | | 4 | 4 | 9 | | | | | | | |
| 12. | Қутбиддинова К. | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | 3 | 3 | 4 | | | | | | | |
| 13. | Холбобоев М. | | | | | | | | | 5 | | | | | | | | 5 | 5 | 10 | | | | | | | |
| 14. | Сулаймонов С. | | | 3 | | | | | | | | 3 | | | | | | 3 | 3 | 6 | | | | | | | |
| 15. | Султонова С. | | | | | | | 4 | | | | | | | | | | 2 | 2 | 5 | | | | | | | |
| 16. | Чориев Ф. | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | 3 | 3 | 6 | | | | | | | |
| 17. | Чориев А. | | | | | | | | | 4 | | | | | | | | 3 | 3 | 6 | | | | | | | |
| 18. | Одилова М. | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | 4 | | | | | | | |

| Т/Р | Ой | октябрь | | | I чорак | | | |
|-----|-----------------|---------|-----|-----|---------|-----|-----|-----|
| | | 1 | 18 | 22 | ЖН | Р.ф | Р.я | Д |
| | Кун | Жн | Жн | Оғ | Жн | Р.ф | Р.я | Д |
| | Назорат турлари | Л.М | Л.М | О.Т | Р.ф | Р.я | Д | |
| | Назор.шакллари | Л.М | Л.М | О.Т | Р.ф | Р.я | Д | |
| | Макс. балл | 5 | 5 | 20 | 10 | 40 | | |
| 1. | Арзиқулов Н. | 3 | 4 | 15 | 8 | 30 | 75 | II |
| 2. | Бекмирзаев З. | 4 | 4 | 12 | 5 | 25 | 62 | I |
| 3. | Баротова Н. | 4 | 3 | 13 | 5 | 25 | 62 | I |
| 4. | Норбоева Д. | 3 | 3 | 12 | 6 | 24 | 60 | I |
| 5. | Норматов З. | 4 | 4 | 11 | 5 | 24 | 60 | I |
| 6. | Худойқулова М. | 5 | 4 | 18 | 8 | 35 | 87 | III |
| 7. | Низомова Г. | 3 | 3 | 13 | 4 | 23 | 57 | I |
| 8. | Мўминов А. | 3 | 4 | 13 | 5 | 25 | 62 | I |
| 9. | Муҳаммадиев Н. | 2 | 4 | 19 | 9 | 34 | 85 | II |
| 10. | Мардонов Б. | 3 | 3 | 12 | 5 | 24 | 60 | I |
| 11. | Эшпўлатов Х. | 5 | 5 | 17 | 9 | 36 | 90 | III |
| 12. | Қутбиддинова К. | 3 | 4 | 11 | 4 | 22 | 55 | I |
| 13. | Холбобоев М. | 5 | 5 | 17 | 10 | 37 | 92 | III |
| 14. | Сулаймонов С. | 3 | 4 | 13 | 6 | 26 | 65 | I |
| 15. | Султонова С. | 4 | 3 | 12 | 5 | 24 | 60 | I |
| 16. | Чориев Ф. | 3 | 3 | 15 | 6 | 27 | 67 | I |
| 17. | Чориев А. | 4 | 4 | 15 | 6 | 29 | 72 | II |
| 18. | Одилова М. | 3 | 3 | 12 | 4 | 22 | 55 | I |

Зиёдулла РАҲМОНОВ,
Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси

Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида ўқув меъёрий ҳужжатларни тажриба-синовдан ўтказиш "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асослангандир.

1999-2000 ўқув йилида янги ташкил этилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув режа ва дастурларни асосан умумтаълим фанлари бўйича тажриба-синовдан ўтказадилар. Фақатгина ўтган ўқув йилида ташкил топган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўз йўналишлари бўйича махсус фанлардан ўқув режа ва дастурларни тажрибадан ўтказадилар. Бу дастурларни тузишда 10 та ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, бу ишчи гуруҳларининг аъзолари 1800 дан ортиқ дастурларни тузишга ёрдам бердилар ва муаллифлик қилдилар. Бу умумқасбий ва махсус фанлардан тузилган дастурлар ўз вақтида тақриздан ўтказилди ва чоп этишга топширилди. Умумтаълим фанларидан тузилган дастурлар ўз муддатида чоп этирилиб, янги 1999-2000 ўқув йи-

Tajriba-sinov

(фаннынг ҳозирги тараққиёт даражасига эътибор), гуманитарлигига (инсонпарварлик ва эзгулик ғояларига амал қилиш), халқаро стандарт (таълим тизими турлича бўлган камда 2 та ривожланган хорижий давлатда амалда бўлган мутаносиб ўқув дастурлари билан солиштирилиши), рақобатбардошлик (ривожланаётган давлатларда амалда бўлган ёки ишлаб чиқиладиган дастурларга нисбатан илғорлик), миллийлик, изчиллик, амалийлик ва новаторликларни эътиборга олиб, тузилишларига аҳамият берилган. Дастурларни тажрибадан ўтказиётган пайтда экспериментаторлар шу томонларига ҳам эътибор билан қаратиши лозим.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларининг мазмуни ўзида таълимнинг мажбурий ва ихтиёрий компонентларини муассасамлаштиради. Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартининг мажбурий компоненти талабалар тайёргарлигининг етарли, минимум зарур савиясини белгилаб беради. Унинг мазмуни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари томонидан кафо-

ЎҚУВ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР СИНОВИ

линг бошланишига барча ўқув муассасаларига етказилди.

Бундан ташқари, академик лицейлар учун 5 та йўналиш бўйича ўқув режалар ва 100 та ўқув дастурлари тузилиб, янги 1999-2000 ўқув йилида топширилди. Ҳозирги кунда махсус фанлардан тузилган бир қанча йўналишдаги дастурларимиз нашриётга чоп этиш учун топширилган. Лекин, айрим сабабларга кўра нашрдан чиқмади.

Барча дастурларни тузишда, биринчи навбатда уларнинг узлуксизлигини таъминлаш ва мазмун жиҳатидан давлат таълим стандартлари талабларига жавоб беришни ҳамда фанлараро боғлиқлигининг таъминланганлигига эътибор қаратилади. Дастурларни тузишда ўқув дастурларига қўйилган талабларга жавоб беришга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир дастурнинг муаллифи дастурни ўзлаштириш даражасини, мураккаблик даражаси ва мавзунинг актуаллик хусусиятларини, амалий машғулотларнинг бажарилиши бўйича услубий йўл-йўриқларни, мазмун жиҳатдан блокларга ажратилган мавзуларни, уларга ажратилган соатларнинг зарурий кўрсаткичларини, мавзулар бўйича зарурий ва етарли билим даражасини белгиловчи саволлар мажмуасини, дастур ўзлаштирилишини таъминлаш учун зарурий дарсликлар ва қўлланмаларнинг рўйхатларига эътиборни қаратдилар.

Берилган дарсликларнинг асосий қисми давлат тилида бўлиб, дастур мазмуни 75% қамраб олиш инobatта олинган.

Янги ўқув дастурларини тузишда унинг мазмунига қўйилган талаблар, яъни унинг тарихийлигига (фан тарихи, унинг ривожига ҳисса қўшган олимлар ва тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таъриф этиш), замонавийлигига

латланади. Ушбу компонент давлат ва жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, шахснинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича 122 та узлуксиз таълим тармоқ давлат стандартлари тузилади.

Булар ҳам тажриба-синовдан ўтиши керак. Ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар давлат таълим стандартлари ўқув фанларининг рўйхатини, умумқасбий фанларнинг дастурларини, ўқув режаси воситасида ўқиш даври давомийлигини белгилаб беради. Ўқув дастури давлат таълим стандартларининг асосини ифода қилади.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат таълим стандартлари мажмуасининг асосий элементларидан биридир. У ўқув жараёнининг мазмуни ва сифатини белгиловчи меъёрий ҳужжатдир. Шунинг учун академик лицей ва касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган фанлар ўқув режасидаги махсус курс бўйича тасдиқланган ўқув дастурига асосан олиб борилиши лозим. Тузилган ўқув режа ва дастурлар юқорида айтилганларга амал қиладими ёки йўқми, буни аниқлаш тажриба-синовда иштирок этувчиларга ҳавола қилинади.

Ўқув режа ва дастурларни синовдан ўтказиётганда узвийлик, таълимнинг узлуксизлиги ва фанлараро боғлиқликлар эътиборга олинishi зарур. Фанлараро боғлиқликда бири-бирига яқин бўлган фанлардан бир хил мавзулар такрорланмаслигига асосий эътиборни қаратиш лозим.

О. МУСУРМОНОВ,
ЎМҚХТ марказининг
ДТС бўлими бошлиғи

УЮШМАНИНГ МАКТАБГА СОВҒАСИ



"Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган 2000 йилнинг ilk кунларидан бошлаб турли ташкилот, корхона ва муассасалар ўзларининг хайрия тadbирларини бошлаб юборишди. Жумладан, куни кеча Тошкент вилояти фан ва таълим ходимлари касба уюшмаси ходимлари Тошкент туманидаги 11-мактабга ташриф буюришди. Ташрифнинг айнан шу мактабга қилинган бeжиз эмасди. Чунки мазкур билим даргоҳининг спорт соҳасида вилоят ва республикада ўз ўрни бор. Бу мактабда олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси Мелис Абдурасулов, Ҳаким Ешимбетовлар ўқувчиларни жисмонан соғлом, бакуват бўлишлари учун бор имкониятини ишга солади. Барча спорт анжомлари билан таъминланган спорт зали ўқувчиларнинг сеvimли жойидир. Шу боис, касба уюшмаси ўқувчилар кувончига кувонч қўшиб, мактабга бир талай спорт жиҳозларини тақдим этди. Футбол ва волейбол тўплари, стол тенниси учун жиҳозлар, волейбол тўрлари ва бошқа совғаларни олган ўқувчилар жуда хурсанд бўлишди. Совғаларни фан ва таълим ходимлари касба уюшмаси номидан уюшма ходими Саидбосит Саидбурхонov топширди.

МУХБИРИМИЗ
Суратларда: жиҳозларнинг тақдим этилаётгани ва ўқувчиларнинг кувончи муҳр этилган.
Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Айни пайтда таълим тизимининг ўрта бўғинида рўй бераётган ислохотлар сезиларлидир. Йилдан-йилга янги академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг тармоқлари кенгайиб бормоқда. Янги қуриладиган ёки тўлиқ реконструкция қилинаётган мазкур таълим муассасалари, маълумки, энг замонавий асбоб-ускуналар, кўрғазмали қуроллар, ва ниҳоят, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 30 та академик лицей ва 120 та касб-хунар коллежларини босқичма-босқич мебель жиҳозлари билан таъминлаш жараёни ҳам қизғин кечаётир.

Янги лицей ва коллежларда таълим-тарбия жараёнининг келгусида қай даражада бўлиши, албатта, уларнинг бугунги жиҳозланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, замонавий асбоб-ускуна, кўрғазмали қуроллар, мебеллар ёшларнинг юқори билим ва юксак малакага эга бўлишида муҳим ўрин тутлади. Шунинг учун ҳам янги таълим даргоҳлари учун танлаб олинаётган жиҳозлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ва сифатлироқ бўлиши шарт. Ана шу мақсадда ОУМТВнинг ЎМҚХТ Маркази республикамиздаги йирик sanoat корхоналари, ишлаб-чиқариш ташкилотлари, қўшма ва хусусий фирмалар, чет эллик экспортлар иштирокида ўтказиётган тендер савдолари, кўрғазмалар анъанавий тус олмақда.

Пойтахтимиздаги Сирғали политехника касб-хунар коллежиде Янги йил арафасида очилиб, ўз ишини давом эттириётган мебель жиҳозлари кўрғазмаси ҳам шулар жумласидандир. Бугун биз ушбу кўрғазма иштирокчиларига сўз берамиз.

Жаноб Ли Кунг ВУ, ЎзТЭК "Ўзбекистон-Корея" қўшма корхонасининг Жанубий Корея томонидан бош директори:
— Мазкур кўрғазмада ўқувчи-ёшлар учун замонавий стол, стул, аудитория доскалари, ви-

деотехника маҳсулотларидан иборат бўлган жами 8 номдаги янги турдаги ўқув мебеллари ва ускуналарининг намуналарини намойиш этмоқдамиз.

Яқин келажакда Ўзбекистон ОУМТВ тизимида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув-кўрғазмали қуроллар, асбоб-ускуна, мебеллар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этилажигидан беҳад хурсандман. Зеро, жаҳон андозаларидаги асбоб-ускуналар ҳар доим ҳам чет элдан валютага сотиб олинавермайди. Қўшма корхоналар эса шу ернинг ўзидаёқ юксак технология асосидаги асбоб-ускуналарни тайёрлаб, уларни ташиш сингари муаммо

БУГУН КЕЧАГИДАН, ЭРТАГА БУГУНГИДАН СИФАТЛИ БЎЛСИН

ва чиқимлардан халос бўлишди. Яъни, бозор иқтисодиётининг "истеъмолчига товар даллолар хизматисиз, тўғридан-тўғри, тез, сифатли ва арзон баҳоларда етиб боради" каби яхши бир қонуни ишлай бошлайди.

Отабек АЙТБОЕВ, ушбу қўшма корхонанинг Ўзбекистон томонидан ижрочи директори:

— Бу кўрғазманинг яна бир ижобий томони шундаки, ўзаро ижодий ҳамкорлик натижасида кўплай янги ва икки тарафнинг манфаатларини кўзловчи фикрлар туғилади. Бу жараёнда иштирок этаётганлардан аксариятини ёшлар ташкил этса, билангики, фикрлар доираси бундан ҳам кенгроқ бўлади.

Корхонамиз тақдим этаётган маҳсулотларнинг афзаллик томонлари кўп. Масалан, мана бу стулни қаранг. Ҳозир Америкада, Жанубий Кореяда махсус тахтачаси бор ана шундай стул-креслолар ишлаб чиқарилмоқда. Бу стул-кресло бир одамга

Ко'rgazma

мўлжалланган бўлиб, уни зарур пайтда йиғиб олиш имкониятига эгаимиз. Бундай стул-креслолар бор жойда парталарга бўлган эҳтиёж йўқолди.

Наталья КИДИСЮК, "Катрис" фирмаси бош директори:

— Бизнинг дизайнерларимиз ўқувчи-ёшлар учун янги мебель жиҳозларини яратиш жараёнида боланинг турли ёш давридаги психологик хусусиятларидан тортиб мебелга қўйиладиган барча талабларни инobatта олувчи кўплай факторларни ўрганишди. Талабалар учун мебель ўта қулай, улар соғлиги ва ривожланишига путур етказмайдиган, хавфсиз, гигиеник талабларга жавоб берадиган, кўп функцияли, ташиш учун қулай бўлиши керак.

М. АЗИМОВА, "ФАЙЗ" холдинг компанияси раиси:

— Яхши ўқув жиҳозлари — бу нафақат чиройли ва шинам маҳсулотлар дегани, балки улар давлат стандартларига мос келиши ҳам зарурдир. Бизнинг компаниямиз ошхона, меҳмонхона, идора ва мактаб мебеллари, юмшоқ мебелларни қоплаш учун материаллар ишлаб чиқаради. Корхоналарда ўрнатилган чет эл ва мамлакатимизнинг юксак технологияли жиҳозлари ишлаб чиқариладиган мебелларнинг юқори сифатини ва ишончлигини таъминлайди. Мебель тўпламларимиз замонавий дизайнга жавоб беради, фойдаланишда қулай, олд томони рангли ва конструкцияси бўйича ҳар хил кўринишга эгадир.

Кенг оммага маҳсулотларимиз намуналарини кўрсатишга имконият яратиб берганлиги учун ушбу кўрғазма ташкилотчилари бўлмиш ЎМҚХТ марказидан миннатдоримиз. Охириги икки йил ичида янги лицей ва коллежларни 500 миллион сўмлик мебель жиҳозлари билан таъминлаганимиздан хурсандимиз.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Jarayon

Янги педагогик технология. Бу атама таълимнинг барча бугинларига тааллуқли. Жумладан, олий ўқув даргоҳларига ҳам.

Тошкент туқимачилик ва енгил саноат институтида "Ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялар" мавзусида илмий-амалий семинар уюштирилди. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг етакчи мутахассислари Л.В.Голиш ва Б.Л.Фарберман бу ерга ташриф буюришди. Институтининг 2-ўқув биносидаги семинар машғулоти учун кун давом этди ва унга 60-70 нафар тингловчи жалб қилинди.

Бу хусусда тингловчилар нима дейишди?

Х.Тургунов — ўқув ишлари бўйича ректор муовини:

—Семинар талабалар таътил даврига туғри келди. Бу жуда маъқул.

Асосий гап қаерда? Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини ишлаб чиқиш, уларни аттестациядан ўтказиш, мукамал педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва бунда республикамизнинг миллий менталитетини ҳисобга олиш, менимча, энг муҳим жиҳатлар.

Лекторларнинг чиқишлари бизга манзур бўлди. Аргументлар, фактлар, шарҳлар доскада курсатилди. Турли формулаларни таълим тизими билан боғлаш бизга тушунарли бўлди. Демак, вазифа аниқ; янги дарслик, ўқув қўлланмалари, давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг таснифий белгилари, намунавий ўқув режалари, маъруза матнлари, масалалар, лаборатория ишлари тушунчалари ва ҳоказоларнинг барчасида ЯПТ акс этиши керак.

М.Тожиёв — "Пахта технологияси ва механика" факультети декани, профессор:

ЛЕКТОРЛАР
ЎҚУВ
БИНОСИДА...

—Факультетимизда "Устоз-шогирд" услуби йўлга қўйилган. Курслар бўйича маърузаларнинг видеокассеталарга туширилган матни мавжуд ва улар талабаларга тарқатилди.

Амалда самара бераётган педагогик технологияларни таълим тизимига жорий этиш борасидаги маслаҳатларни семинар давомида бажонидил қабул қилдик. Энг сунгги замонавий технологиялар урнатилган қўшма корхоналарда, туқимачилик мажмуаларида ишлаб чиқариш амалиётлари ўтказилса, хорижий сарможаларни ўқув жараёнига олиб киришга чет элик ҳамкасблар билан илмий алоқалар мустаҳкамланса, айни муддао булар эди.

Э.ОЛИМБОЕВ — институт профессори:

—XX асрнинг сунгги ун йиллиги Ўзбекистон халқи учун оламшумул ўзгаришларга бой бўлганлигини куриб, ҳис қилиб турибмиз.

Олий ўқув даргоҳларидаги ислохотлар ишлаб чиқаришдаги ислохотлар билан бирга одимлаб бормоқда. Бу туқимачилик саноатига мутахассислар тайёрлашда ҳам намоён бўлаётди.

Туқимачилик саноатига бакалаврлар тайёрлашда янги технологияларни ўрганиш муаммоси келиб чиқди.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида янги муаллифлик курси яратилди: "Ўзбекистон туқимачилик корхоналарининг мақсулотлари, уларни ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳатлари". Видеокассеталарга туширилган материаллардан кенг фойдаланиш талабаларда нафақат янги технологияларга қизиқиш уйғотади, балки уларни таққослаш асосида ўз муносабатини билдиришга ҳам ундайди.

Мутахассислик фанларини ўқитишда видеофильмлардан фойдаланиш афзал, лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўқитиш усулининг методик асослари ҳали тулиқ яратилмаган. Видеофильмлар юксак даражада эмас.

Институт ўқув-ўқувчи бўлимларида шу соҳа билан шугулланувчи гуруҳлар вужудга келтириш даркормикан?

"Таълим тўғрисида" ги Қонуннинг 10-моддасида кўрсатиб қўйилибдики, бизда таълим олишнинг 7 та босқичи амалга оширилади ва улар бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу улуксизликнинг асосий мақсади эса Шахс камолотига қаратилган.

Таълим олишнинг учинчи босқичи — ўрта махсус, касб-ҳунар эгаллашдир. Наманган муҳандислик—педагогика институти қошидаги тадбиркорлик ва бизнес мактаби худди ана шу босқичга жалб қилинган. Бу ҳақда мактаб директори, иқтисод фанлари номзоди Равишанжон Исмоилов муҳбиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди:

—Мактабни ташкил этиш фикрини институтимиз ректори Тоштурғун Эргашев ўртага ташлади. Бу эса барчамизга маъқул тушди. Шу тариқа 1997 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ, бизнес ва тадбиркорлик мактаби ўз фаолиятини бошлади.

Қишлоқ ёшларининг бекор юрган қисми институт қошида очилган мактаб ҳақида эшитиб, қизиқиб кела бошлашди. Ахир ўзингиз ўйланг, олий ўқув юртларига ҳамма ёшлар ҳам кириб кетолмайди.

Мақсад эса қаёққа боришни билмай турган ўсмир йигит-қизларни кичик ва ўрта бизнес соҳасига йўналтиришдан иборат эди.

Бозор иқтисоди шароитида кичик ва ўрта бизнес мутахассислари сув ва ҳаводек зарур. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда молия ва банк иши, ҳисобчи аудит, солиқ, солиқ ундириш, компьютер оператори, фермер хўжалиги ёрдамчилари, ер кадастри хизмати ходимлари, қисқа мuddатлик компьютер операторлари, аудио ва видео техникаларини

таъмирлаш бўйича мутахассислар тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Уларни тайёрлаш учун институтга база етарли. Ўқув биноси ва хоналар, дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, кутубхона, ётоқхона, спорт зали — ҳамма-ҳаммасида бизга институт маъмурияти ёрдам қўлини чўзиб турибди.

Мактабимиз 280 нафар ўқувчини ўз бағрига олган бўлиб, ўқиш мuddати 9-синф ҳажмидагилар учун 2 йил, 11-синф маълумотига эга ёшлар учун 1 йил. Уларга ўрта махсус билим олганлиги тўғрисида диплом берилди. Бизда тайёрланган мутахассислар "Тадбиркорбанк", "Пахтабанк"нинг шаҳобчаларида, кичик корхона ва фирмаларда фаоли-

ИНСТИТУТ
ҚОШИДАГИ
МАКТАБ

ят кўрсатишмоқда. Булардан ташқари, қисқа мuddатлик курслар ҳар 6 ойда ўз мутахассисларини тайёрлаб бермоқда. Улар сертификат олишди.

Тадбиркорлик ва бизнес мактабига ўқув жараёни қандай ташкил этилмоқда, деган савол кўндаланг бўлиши табиий.

Республикамизда бундай мактабларнинг 20 таси борлигини биламан. Демак, улар ҳам ўз махсус ўқув режаларига эгадирлар. Ўз мактабимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, икки йиллик курсларда 24-25 та фан ўқитилмоқда. Уларда мутахассисликдан ташқари, умумтаълим мактаби дастурлари, инглиз тили, шунингдек, "Компьютер саводхонлиги" курси мукамал ўргатилади. 11-синф маълумотидагиларга эса саксон фоиз махсус, яъни

мутахассисликка дахлдор фанлар ўқитилади. "Компьютер саводхонлиги" 72 соатлик курси ўз ичига олган. Компьютерларимиз 12 та, бу эса ҳар бир гуруҳда жуфт-жуфт ҳолда ўқувчиларнинг бу техникани ўрганишлари имкон беради.

Ўқишнинг тўлов-контракт шакли йўлга қўйилган. 110 нафар йигит-қиз амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, пул тўлаб ўқишмоқда. Белгиланган суммалар талабаларнинг ўз шахсий маблағлари ҳисобидан бирваракайига ёки бўлиб-бўлиб тўланмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, таълим олишнинг пуллик турига ота-оналаримиз ҳам, талабаларимиз

бизга ҳомийлик кўрсатиб, 1750 долларлик турли адабиётларни тақдим этди. Китоблар мутахассисликка тааллуқли бўлиб, ёшлар маънавиятини юксалтиришга ёрдам беради. Ўйлайманки, кутубхонамизни бойитган китоблар бўлғуси мутахассислар дунёқароши ва савиясини ҳам бойитади.

Мактабимизнинг ташкил этилганга қисқа вақт бўлса-да, ўз нуфузини топди. Бизга водий виллояларидан ташқари, республикамизнинг турли бурчакларидан ҳам ёшлар келиб, ҳужжат топширмоқда. 1998 йилда 20 нафар, ўтган йили эса 18 нафар йигит-қизларнинг турли олий ўқув юртларига ўқишга киришлари ҳам кишига мактабимиз ҳақида илиқ тасаввур уйғотади.

Олис виллоялардан келувчилар учун 60 ўринли ётоқхона ташкил этилган. Теннис корти, спорт зали, "Олтин давр" дам олиш мажмуасида нафақат ёшлар, балки устоз-мураббийлар ҳам ўз чарчоқларини ёзишади, дилдан суҳбат қуришади. Турли маданий-маиший руҳдаги кўнгличор тадбирлар, байрам кечалари ва мушоиралари, назаримда, таълим жараёнига жуда омухта бўлиб кетган.

"Бизнес", "тадбиркорлик" атамалари бизга эндиликда янгилик эмас. Бу тушунчаларнинг нутқимизга кириб келишини бозор иқтисоди шароити тақозо этди. Наманган муҳандислик-педагогика институти қошида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик ва бизнес мактаби ҳам бу ўринда ўз мактабига эга. Мақсадамиз эса ўша-ўша: кичик ва ўрта бизнес соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қоплаш.

Хулқар ТҮЙМАНОВА
суҳбатлашди.



Талабалик машғулоти

Tanlov

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Маълумки, республика Халқ таълими вазирлиги бир неча йилдан бери энг яхши илмий мақолалар бўйича танлов ўтказиб келмоқда. Танлов шартларига кўра, аспирант, докторант ва илмий тадқиқотчиларнинг ҳавола этган мақолалари пухта, изчил, ҳаётий, долзарб бўлиши, уларда педагогика, психология фанининг жиддий муаммолари қаламга олиниши, таҳлил этилиши керак.

1999 йилги танловда Низомий номидаги ТДПУ, ЎзПФИТИ, ХТХМОМИ, Нукус ДПИ, Жиззах ДПИ, "Истеъдод" марказининг аспирант, докторант ва илмий изланувчилари фаол иштирок этишди.

ХТВ танловга юборилган илмий мақолаларни кўриб чиқиб, голибларни аниқлади. Вазирлик буйруғига мувофиқ, муаллифлар тегишли миқдорда моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Голиб муаллифларнинг мақолалари газетамиз саҳифаларида бериб борилади.

Уларни табриклаймиз!

БЕНАЗИР НАЗИРА ОПА

Машойихлар айтадики, «ё илминг бўлсин, ё ҳунаринг». Биз бунга «иштиёқинг ҳам бўлсин», дея қўшимча қилган бўлардик. Зеро, иштиёқ воситачилик қилмаса, илму ҳунарда камол топиш қийин.

Назира Фуломова ана шундай илму иштиёқли аёллардан. Уни республикада кўпчилик танийди. Айниқса, адабиёт ўқитувчилари. Мамлакатимизда адабиёт таълимини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари уни шу маснадга эриштирди, десак, муболага бўлмас.

Очиги, оддий одамлар орасида таниқли бўлишнинг ўзи бир шараф. Казо-казо бўлиб, иккита одам танимаслигидан ёмони йўқ.

Назира Фуломовани кўпчилик танийди, дедик. Лекин кўпчилик дегани — ҳамма дегани эмас. Шу боис, опанинг фаолиятини яна бир ёритиш истаги туғилди.

У 1992 йилдан буён РТМ ўзбек тили ва адабиёти бўлимида адабиёт йўналишини бошқаради. Унинг бевосита иштироки, масъулигида истиқлолнинг дастлабки маъсуллари бўлмиш «Ўзбек адабиёти» (V-IX синфлар учун) дастури, дарслик, дарслик-мажмуа ва мажмуалар яратилди ҳамда чоп этилди.

1992 йилдан буён умумтаълим мактаблари ва олий таълим талабалари учун «Ўқитувчи», «Шарқ», РТМ ва бошқа нашриётларда чоп этилган етмишдан зиёд ўқув-методик адабиётлар методистнинг машаққатли меҳнатлари самарасидир. Шу ўринда Н.Фуломова томонидан яратилган «Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув дастури» Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг конкурси фолиби бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

1999-2000 ўқув йилидан педагогик амалиётга татбиқ этилган дастур ва дарсликларнинг янги авлоди «Умумий ўрта таълим мактаблари ада-



биёти дастури» ва дарсликларининг яратилиши,

синовдан ўтказилиши, такомиллаштирилиши ва чоп этилишида методистнинг меҳнати салмоқли. У мазкур дастур ва б-синф «Adabiyot» дарслигининг ҳаммуаллифидир.

Тажрибали методист ҳар йили адабиёт бўйича ўтказилган республика олимпиадаларининг (III, IV босқич) холис ва одилона ўтишида, республика миқёсида ўтказилган ўзбек тили доимий анжумани, семинар-кенгашлар, дастур муаллифлари асарлари, дарсликка кирган шоир, ёзувчилар ҳамда ўқитувчиларнинг ижодий учрашувларини ташкил этиш ва ўтказишда фидойилик билан меҳнат қилади.

Моҳир методист республика тил-адабиёт фани ўқитувчиларининг яқин кўмақдошидир. У мактаб билан мунтазам ҳамкорликда ишлайди. Дарсларни кузатади, таҳлил қилади, методик ёрдам кўрсатади, ўзи ҳам дарс беради.

Методистнинг меҳнат фаолияти давомидаги ижодий ишлари ҳам (дастур, дарслик, методик мақола, тавсия, қўлланма, тест ва ҳоказо) эллиқдан ошди. Чунончи, «Ўзбек адабиё-

Fanimiz fidoiylari

Т И Д А Н
дарс тур-
лари",
"Янги

дарслик билан эскича ишлаб бўлмайди", "Янги дастурга хос адабий машғулот", "Минг йиллик шоҳ асар", дастур асосида «Адабиётдан чораклик дарс топшириқлари (IX, X, XI синфлар учун)» ва ҳоказо қўлланмаларидан республика мактабларида фойдаланилмоқда. Н.Фуломова — ҳалоқ, тўғри сўз, меҳнаткаш, ўз ишининг фидойиси, моҳир устаси.

Хуллас, ўз меҳнат фаолиятини 1971 йил оддий муаллимликдан бошлаган муаллимлар маслаҳатчиси даражасига эришган бу инсон республика Таълим маркази жамоаси фахрига ҳам айланган, деб баралла айтиш мумкин.

Асқар ШОКИР,
Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ

Суратда: РТМ ўзбек тили ва адабиёти бўлими бошлиғи Назира Фуломова (ўнгда) ҳамкасби Дилдора Нуриддинова билан навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқдалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган
сурат

Faxriylarimiz

«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан «Туркистон» саройига 50 га яқин фахрий педагогларни ҳам тақлиф этиб, ҳаммамизни залнинг биринчи қаторига утқазди. Мен ҳам кекса онахон педагоглар Мавлуда Самадова ва Ойсулв Бердиевалар билан бир қаторда утирдим. Залда бироз узаро суҳбатлашдик.

Кейинроқ Ойсулв аянинг уйларига бордим. Ая жуда ҳурсанд бўлиб кутиб олдилар. Бир пиёла чой устида утмишимизни эслашдик:

—Эй, домлажон! Ёшлик давримда бошимга тушган фожиали воқеаларни айтиш жуда оғир, 70 йил ичимда сақлаб келдим. Энди айтсам булади, қандай авлоддан дунёга келганимни халқ билсин, мен бу билан мағрурланаман. Отам Остонақул Саидов Бухоронинг энг катта савдогари булиш билан бирга уз замонасининг маърифатли кишиларидан бири булган. Шу туфайли ҳали Бухоро ҳукмдори бўлиб турган Олимхон одамлари «Газета ўқийди, кийимлари ҳам кофирча» деб ҳам отамни, ҳам онамни улдиришади. Мен уша вақтда (1914 йил) дунёга келган эканман. Ҳатто жаллодлар мени ҳам онамга қўшиб қўмиб юбормоқчи булганда Бахшанда номли аммам бир амаллаб (жаллодларга пул ва бошқа нарсалар ваъда қилиб) мени асраб қолган экан-

УМРИНИ МАЪРИФАТГА БАХШ ЭТГАН АЁЛ

лар. Шундай қилиб, ота-онасиз, қариндош-уруғлар қулида тарбия олдим. Ҳали Бухорода дурустроқ мактаблар ташкил топмагани туфайли дастлаб жадидлар мактабида, сунг шуролар томонидан очилган мактабларда ўқидим. Китоб ўқишга жуда қизиқар эдим, ҳатто уша вақтда кичик-кичик шеърлар ҳам ёзган эдим. Менинг бу фазилатимни (узим ҳам гузал булган эканман) яхши курган Орифхон ака деган ўқитувчи мени дастлаб Фаргона педагогика институтига, сунг 1937 йилда Тошкент педагогика институтига олиб келиб жойлади. 1939 йилда шу институтни тугатдим. Курсдошларим орасида ажойиб талабалар бор эди. Ҳозирда 22-урта мактабда директор бўлиб ишлаётган Ҳаким ака Ҳошимов, марҳум Ёнгин Мирзо ва бошқалар бор эди. Мен шу орада Ориф акага турмушга чиқдим. Институтни тугатиб, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 133-урта мактабда, дастлаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси, сунг мактаб директори бўлиб ишладим. Бу орада уруш бошланиб кетди. Умр йулдошим биринчилар қаторида фронтга жунди ва мен икки қизим билан елгиз қолдим. Яна оғир кунлар бошланди. Уруш оқибатида Украина ва Белорусиядан етим-есир болалар Тошкентга кўчирилди. Бу вақтда мен интернатда (болалар уйида) ишлашимга тўғри келди. Ушанда маориф соҳасида жонфидолик билан хизмат қилган касбдошларим Оқилхон Шарофидинов, Аъзамхон Рустамов ва Ҳабиба Юсупова каби фидойий педагоглар билан ҳам болалар уйига, ҳам мактабларга раҳбарлик қилиб туришга тўғри келди. Чунки эркак ўқитувчиларнинг кўп қисми фронтга жунди кетганди.

Ойсулв Бердиева икки қизи — Светлана ва Дилоромларни тарбиялаб, ўқитиб турган бир пайтда умр йулдоши Орифхон ака Файзиевдан «қора» хат келди. Бу мудҳиш хабар Ойсулв аяни яна букиб қўйди. Аммо ёшлиқдан ўқитувчилик касбини севган Ойсулв ишни тухтатмай, 1-урта мактабда она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади. У, эркаклар душман билан жанг қилаётган бир пайтда болаларни биз ўқитмасак, ким ўқитади, дея фидойийлик билан мактабда ишлади. Қизларини камолотга етказиб, уйли-жойли қилди, қийинчиликларга бардош берди. Фарзандлари ҳам узи каби ўқитувчи бўлиб, она касбини давом эттирмоқдалар.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог

Инсон ҳамиша эзгу орзулар билан яшайди. У кечаги кунимдан бугунги куним афзалроқ, бугунги кунимдан эса эртанги куним яхшироқ бўлсин, деб ҳаракат қилади. Орзулари эса одамни интилишга ундайди. Мактаб ҳар қандай тузум, ҳар қандай жамиятда халқ ва давлат томонидан эъзозланган муқаддас маскан бўлиб, ўтмиш ва келажакни боғлаб турган кўприк вазифасини ўтайди.

Бу вазифа ва мақсадларни бажариш учун ўз ишмизнинг устаси, фидойи,

КАСБИМНИ ЭЪЗОЗЛАЙМАН

билимдон, ижодкор ўқитувчилар ва муаллималар бўлмоғимиз лозим. Келажак буюк Ўзбекистон ёшларининг билими, маданияти, маърифати, ақл тафаккури уларнинг ота-оналарига қолаверса, биз муаллимларга боғлиқ.

Мактаб остонасига ўқитувчи бўлиб қадам қўйганимга қарийиб 40 йил бўлди. Ўша кунларни ширин хотира билан эсламан. Ёш бўлсам ҳам менга 1 сентябрдан бошлаб мактаб жамо-

аси ишонч билан 1-синфни беришди. Ўша кундан бошлаб ўқитувчиликнинг сирасорларини қўлимга қалам тутқазган устозларим —Жу-

Ehtirom

магул Худойбердиева, Танзила Иникиева, Қоржов Бозоров каби ғамхўр педагоглардан ўрганиб, уларнинг қимматли маслаҳатларига амал қилиб келмоқдаман. Ҳар бир ўқувчимнинг харак-

терига қараб муомалада бўлиб, уларнинг ота-онаси билан доимо суҳбатда бўлиб турибман. Мактабимизда болаларни билим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратилганлиги сабабли дарсимиз жуда қизиқарли ва мароқли ўтмоқда.

1999-2000 ўқув йили мен учун жуда қувончли йил бўлиб қолади. Чунки бу йил Президентимиз тақлифи билан «Соғлом авлод йили», деб эълон қилинди. Ниҳол ҳам тўғри ўсса кўркам да-

раҳт бўлади. Биз ҳам ёш болаларни билимли, одобли қилиб тарбияласак, улар келажакда буюк инсон бўлади. Уларнинг келажакда буюк инсон бўлиши учун ўзимдаги барча билимимни, маҳоратимни, санъатимни беришга ҳаракат қиламан.

Мен муаллим деб аталмиш эъзозли касбда ишлаётганлигимдан доимо ғурурланаман.

Раҳима
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Касби туманидаги 13-ўрта мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси

(Боши газетамизнинг 2000 йил 1 январь сониди)

Маълум географик меридианда қуёш вақти, Қуёш марказининг, қуйи кульминацияси /яъни ярим кечадан/ деб юритилувчи, горизонтнинг шимол нуқтасига энг яқин бурчак масофада бўлган нуқтадан бошланади. Ва эслатилган меридиан учун маҳаллий Қуёш вақти дейилади. Ер шари бўйлаб чексиз кўп меридианлар ўтказиш мумкин бўлганидан, планетамизда маҳаллий вақтлар ҳам чексиз кўплиги маълум бўлади. Агар ҳар бир меридиандаги кишилар ўз маҳаллий вақтлари билан юрадиган соатларни тақиб юрсалар, бундай соатлар бир-биридан соатлар ва минутлардан ташқари, ҳатто секундлар ва унинг улушларигача (бир-бирига яқин Ер меридианлари учун) фарқ қиладиган вақтларни кўрсатади. Бинобарин, маҳаллий вақтдан амалда фойдаланиб бўлмаслиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам 1884 йилдаёқ пояс вақтига ўтилган эди. Бунинг учун Ер шари, бир-бирларидан географик узунламалари бўйича 15 градусга фарқ қилувчи меридианлар билан чегараланувчи 24 поясга бўлиниб, бу поясларнинг вақтлари, ҳар бири биттадан пояснинг чегарасидан жой олган ва асосий меридианлар деб аталадиган меридианларнинг маҳаллий вақтлари билан юрадиган қилиб келишилган эди. Асосий меридианларнинг географик узунламалари, бир-биридан бир соатга фарқ қилиб, мос равишда 0,1,2,3 ва ҳоказо соатларга эга эди. Масалан: бешинчи поясда жойлашган Тошкент узунламаси беш соат бўлган асосий меридианнинг вақти билан юриб, у Тошкент учун пояс

ТАҚВИМЛАР, ТАҚВИМЛАР ВА ЯНА... ТАҚВИМЛАР

вақти (маҳаллий эмас!) ҳисобланади. Шундай қилиб, пояс вақти киритилгач, планетамизда вақт кўрсаткичлари билан фарқланувчи 24 хил соатнинг вақтлари билан аниқланадиган бўлди. Бироқ собиқ СССР ҳудудидида пояс вақти узоқ яшамади. 1930 йилда, куннинг ёруғ пайтидан унумли фойдаланиш мақсадида, Халқ Комиссарлар Советининг декрети билан ҳар бир пояс аҳолиси ўз пояс вақтидан бир соат олдин юривчи вақт билан иш кўрадиган бўлди. Бундай вақт кейинчалик декрет вақти деган ном олди. Шундай қилиб, собиқ Иттифоқнинг асосий қисми (Татаристон ва Архангельск вилоятларидан ташқари) ўз поясидан шарқ томонда жойлашган қўшни пояснинг вақти билан (яъни декрет вақти билан) иш юритадиган бўлдилар. Вақт системасидаги бундай ислоҳот электр энергиясидан фойдаланишда жуда катта тежам бериши билан муҳим эди. Гап шундаки, декрет бўйича соатларнинг вақт стрелкаси бир соат олдинга сурилгандан кейин ҳам иш вақтларининг бошланиш графиги олдингича қолади. Натижада завод, фабрикаларда ишнинг бошланиш вақти ҳар сафаргидан бир соат олдин бошланадиган бўлди. Бу билан куннинг ёруғ пай-

тида фойдасиз қолган электр энергиясини бир соат илгари ишлаб чиқариш корхоналари тармоқларига улаб, ундан фойдаланишга имкон яратилади.

Йилнинг фаслларига кўра, баҳорда ва кузда соат стрелкаларини, мос равишда, бир соат олдинга ёки орқага суриш, собиқ Иттифоқдан бошқа кўп чет мамлакатларда бир неча йилдан буён амалда синаб кўрилган ва бундан мамлакатлар етарлича катта иқтисодий фойда кўрганлиги ҳисоб-китоблар асосида тўла тасдиқланган.

— Энди кўпчилик орасидаги 2000 йилда рўй бериши мумкин бўлган ҳалокатли ҳодисалар ҳақидаги ваҳимали миш-мишларга нима дейсиз? Уларда заррача бўлса ҳам ҳақиқат борми?

— Нима дердим, ўзларини пайғамбар қилиб кўрсатадиган нодон фолбинлар ва ношуд экстра-сенслар охири ноллар билан тугайдиган йиллардан ҳар доим бир сир қидирганлар. Бундай "башоратлар" тарихда кўп қилинган ва ҳар дафъа ўша йиллар кириб тинч-омон ўтганда миси чиққан. Аслида бундай йиллар, қадимда ўнлик система қабул қилингани туфайли ноли йиллар бўлиб, айланаётган Ер (йилнинг асосий системаси) ўнлик системани қаердан билсин. Унга 1999-ҳам 2000-айланиш оддий айланиш. Қолаверса, бошланаётган 2000 йил Қуёш календарларидан бирининг (Григориан тақвими бўйича) ҳисоби бўйича бўлиб, Қамарий-ҳижрий бўйича 1420-, шамсий-ҳижрий бўйича 1378-, "Оламнинг пайдо бўлиши", эраси бўйича 7508-йил ҳисобланади. Кўрганингиздек, уларнинг барчаси "қўш ноллар"дан ҳоли.

Сўнги йилларда мустақил мамлакатимизда маънавият ва маърифат соҳаси тобора ўзининг юксак чўққисига кўтарилиб бормоқда. Айниқса, маънавият ўчоқлари бўлмиш кутубхоналарга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жиззах вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида шу йилдан республикамизда биринчи бўлиб мактаб кутубхоначиларини ўқитиш курслари очилди. Мазкур курсларни ташкил қилишда А.Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти Кутубхонашунослик факультетининг ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Мазкур факультет ўқитувчилари тингловчилар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишди.

Дарслар асосан Жиззах вилоят марказий кутубхонасида ўтказилди. Кутубхоначилик бўйича берилган назарий билимлар кутубхонада бевосита амалиёт билан бирга олиб борилди. Тингловчилар кутубхона каталоглари, адабиётлар ва уларни жойлаштириш билан танишишди. Шунингдек, бу ерда кутубхоначи-

КУТУБХОНАЧИДА ГАП КЎП

ларнинг иш ҳақи, уларга бериладиган имтиёзлар каби мавзулар бўйича маърузалар ўқилди. Тингловчилар кутубхоналарда библиография ишларини ташкил қилиш билан ҳам танишадилар. Жиззах вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори Раҳматилла Каримов, тарбиявий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Комилжон Ўсаров, А.Қодирий номли Тошкент давлат Маданият институти кутубхоначилик факультети ўқитувчилари, доцент Шўҳрат Шамсиев, доцент Муҳаммадкарим Расулов, доцент Ҳамид Абдуллаев, педагогика фанлари номзоди Тўйчи Бойтўраевлар мазкур курсни ташкил этишнинг фаолларидан бўлишди.

— Бу курсларни ташкил этишдан мақсад, — деди биз билан суҳбатда институт ректори Раҳматилла Каримов. — Мактаб кутубхоналарида ишни замонавий ташкил қилиш, кутубхоналарга яхши хизмат кўрсатиш, қолаверса, мактаб ўқувчиларининг китобга қизиқишини орттириш, уларни кутубхоналарга кўпроқ жалб этишдир.

Бу хайрли иш ривожланадиган бўлса, мактабларимиздаги кутубхоналар замонавий кутубхоналарга айланиши шубҳасиз.

Толмас ПАРДАЕВ.

Тақриз

"ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ" МАДҲИ

Қадимий Хива фақат асрий гўзал ва сержило обидалари билангина эмас, айни чоғда илм-фан, адабиёт ҳамда санъат гурқираб камол топган қадри тўшаллиги билан ҳам етти иқлимга овозади. Авлоқлардан-авлоқларга ўтиб, замонлар оша кўзга тўтиё қилгудек асарлар шу даргоҳда яратилган. Хива мадрасаларида қардош туркман, қозок, қорақалпоқ, ҳатто узоқ хорижий элларнинг фарзандлари тахсил олганлар.

Бугунги кунда ҳам Хива илм-маърифат, зиё таратувчи юрт сифатида шуҳрат топган. Унинг бағри илм-урфон ихлосмандлари учун ланг очик.

Хива педагогика билим юрти ҳам ана шундай табаррук даргоҳдир. Унинг бағрида нафақат Хоразм воҳаси, балки республикамиздаги барча музофотлардан келиб ўқиётган ёшларга рўбарў келасиз. Етмиш беш йиллик тарихга эга кўхна илм маскани шонли йўлни босиб ўтди.

Шарқ нашриёт марбعا концернида чоп этилган "Қутлуғ даргоҳ" рисоласи ана шу шонли йўлларнинг ёғдули излари ҳақида ҳикоя қилади. Китоб муаллифи Зариф Қўчқоров билим даргоҳида ишлаган факрилар, илк битирувчилар ва уларнинг ҳаётида рўй берган қувончли воқеаларни қаламга олган, ёшларни улар ибрати асосида келажакка муносиб бўлишга даъват этган. Умуман, муқовасига Махтумқули ҳайкалининг сурати туширилган бу китобча билим юрти тарихи ва фаолиятини акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир, қутлуғ санага арзигулик тўғрисида.


Китобга академик Азимбой Саъдуллаев сўзбоши ёзган. Китобда воқеалар силсиласи даврлар руҳи ва талабига монанд тарзда сарлавҳачаларга ва қисмларга ажратилиб талқин қилинган.

Чундоқчи, "Унутилмас воқеа", "Тарих тилга кирганда", "Қалба нур, онга шуур, юракка гурур бағишлаб", "Табаррук қадамжолар", "Таълим ислоҳоти — юксалишлар қаноти" сингари йигирмага яқин сарлавҳа остида ишио этилган ҳикоялар китобхонада ҳам қанотат ҳосил қилади, ҳам ажрдолар илмига ихлос ва ҳурмат уйғотади.

Саид ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ўқитувчи

Kitob javoningizga

Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ўтган йили турли мавзулардаги бир қанча китобларни нашрлан чиқарди. Улардан баъзилари ҳақида маълумот бериб ўтамиз.




Тузувчилар: Ғ.Ҳотамов, М.Лафасов, А.Умаров.

Китобда диний фундаментализмнинг келиб чиқиши, ҳанбализмнинг бунга асос эканлиги, ваҳдобиликнинг пайдо бўлиши ва моҳияти, диний экстремизмнинг юзага келиши ва бугунги ҳавфи, Ўзбекистонда бу оқимларнинг юзага келиши, даъват, жиҳод каби масалалар кўпгина ишонarli фактлар асосида очиб берилади. Айниқса, рисолада Президентимиз Ислам Каримов асарларидан кенг фойдаланилганлиги унинг қиймати-ни янада оширади. Рисола кенг жамоатчиликка мос, аниқ ва раvon тилда ёзилган.



Муаллиф: Носир Фозилов. Давримизнинг улкан ва се-викли адиби, Ўзбекистон Қаҳ-

рамони, пешқадам ёзувчиларимизнинг ардоқли устози Саид Аҳмад бу йил ўзининг саксон йиллик тўйини нишонлайди. Шу муносабат билан устоз ҳақидаги бир талай қувноқ қатраларни унинг шоғирди Носир Фозилов ўқувчиларга тақдим қилган. Бу қувноқ ҳикоялар сизларнинг ҳам баҳри дилингизни очиб, чехраларингизга табассум югуртиради.



Тўпловчилар: Азим Суён, Алимқул Султон.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинганга ўн йил тўлди. Ушбу рисолада давр, ҳаёт талабини инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик кўмитаси, ҳукумат тил комисси-яси ва Олий Мажлис тасдиқлаган ҳамда оммавий-ахборот воситаларига тавсия этилган, шунингдек, Атамашунослик кўмитаси кўригидан ўтиб, илмий луғатга кирган байнал-милал терминлар, ўзлашма атамалар рўйхати эълон қилинган. Мазкур китобча соф тилимиз, терминлар орқали ўқувчига маънавий-маърифий озуқа беради.

«ОДИНА»НИНГ ЛИБОСЛАРИ



Чекка бир қишлоқнинг эрка қизи педагогик даражасини олиб, қадрдон мактабига келганида орзулар қанотида эди. Орзулар ушалганда янада гўзаллик касб этаркан...

Одина Отахонова Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги 29-умумтаълим мактабига юқори синф қизлари учун тикувчилик тўғрисида йўлга қўйганига қўл булгани йўқ. 1998 йилда ўз ҳисоб-рақамига эга булган ишлаб-чиқариш фирмасига айланган чеварлар жамоаси утиш даври силсилаларидан тўғри хулоса чиқара олди. Уша йили 30 турдаги мактаб формалари намуналарини яратиб, "Баҳор ранглари" вилоят кўриғида 1-уринни эгаллаган, эътиборга

тушган эди. 1999 йилда Республика модалар уйида ўтказилган ўқувчи кийимлари тақдимотида муваффақиятли қатнашди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчилар формасини яратиш ҳамда етказиб бериш юзасидан ўтказилган тендерда голиб чиққан "Одина" фирмаси масъулиятли ишончга сазовор булди.

Суратларда: турли улчамда, мавсумларга мос, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда яратилган, миллий дизайндаги мактаб либосларининг намуналари.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Республикадаги барча таълим муассасаларида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад — буюк давлат келажакини яратувчи ёш авлодни эркин, мустақил фикрловчи комил инсон қилиб воёга етказишдир. Шу муносабат билан муҳбиримиз пойтахтдаги "Умар Али" фирмаси — масъулияти чекланган жамият директори Наримон Умаровдан фирма фаолияти, ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари ва у кимлар учун мўлжалланганлиги ҳақида гапириб бе-

ланган "Шеригини топ", "Мих қоқ", "Шешбеш" қўлланмалари орқали болалар рангларни, ҳисобни ўрганадилар.

Сенсор тарбияга оид комплектада ранг, шакл, кўп, кам, катта, кичикни англашувчи геометрик шакллардан иборат беш хил доира беш хил рангда "Ўз жойини топ" қўлланмасида берилган. Мазкур қўлланма боланинг нутқи, тафаккури ривожланишига ёрдам беради, кўзи ранг танлайди ҳамда болани фикрлашга ўргатади.

Катта тайёрлов гуруҳлари учун болалар даминоси, фикрлаш қобилиятини ривожланти-

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Янги йил арафасида Юртбошимиз халқимизнинг одатлари, хусусан, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, беморлар, етим-есирлар ва қариялар ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват кўрсатиш, хайру эҳсон қилиш, умуман савобли ишларни амалга ошириш каби аънаналаридан келиб чиқиб, "Соғлом авлод йили"нинг биринчи декадасида "Мурувват" ўн кунлигини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Айни кунларда ташаббус кенг қўллаб-қувватланиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хайр-саховат тадбирлари ўтказилмоқда. Жойларда инсонпарварлик, саховат, дўстлик, меҳрибонлик, меҳр-мурувват мавзусига бағишланган кўргазмалар, театр, концерт томошалари ташкил этилмоқда. В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва қорхона касабга уюшмаси кўмитаси ҳам меҳр-мурувват тадбирларига катта масъулият билан ёндошмоқда. Қорхона маъмурияти ва касабга уюшмаси кўмитаси қўшма қарорига биноан 9480 та совға тўплами тайёрланди. Бу совғалар қорхона қошидаги "Меҳр-шафқат" бўлимига, 103-мактаб-интернатга, шунингдек, кўп болали оилаларга, боқувчисини йўқотган бо-

лаларга меҳр-мурувват тариқасида берилди.

Бундан ташқари, 2320 та (ҳар бири 1100 сўмлик) совға тўплами кам таъминланган ногиронлар, қарияларга ҳадя қилинади.

— Аслида, Мурувват — яхшилик дегани, — деди қорхона касабга уюшмаси кўмитаси раиси муовини Мираҳмад Мақсудов. — Биз ана шу мақсадларга жами 10 миллион сўм сарфладик. Бу каби хайрли ишларни келажакда ҳам давом эттириш ниятидамиз.

Дарвоқе, бу ҳаммаси эмас. Авиасозлар маданияти саройи ҳар куни болажонлар отаналар билан гавжум. Театрлаштирилган томошалар, Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз кампир каби эртак қаҳрамонлари ўғил-қизларга завқ-шавқ улашмоқда. Бундай тадбирлар болаларнинг қишки таътили тугагунча давом этади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлагимиз келади: Соғлом авлод йили Муқаддас Рамазон ойи фазилатларидан бўлмиш эзгу ва савобли ишлар билан бошланди. Ният шулки, йилимизнинг кўтлуг қадами эзгуликларга тўла, шодликларимиз эса бардавом бўлсин!

Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ

КОМИЛЛИККА КЎПРИК ҚОРХОНА

ришни илтимос қиладди.

— Фирмаимиз ёш авлодни истиқлол мафқураси асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида камолга етишда озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшаёттир. Фирмада Монтессори услуби асосида илк ва боғча ёшдан кичкинтойларнинг ёш хусусиятларига мос равишда ривожлантирувчи методик қўлланмалар ишлаб чиқарилаёттир.

Фирма 1998 йил сентябрь ойидан фаолият кўрсата бошлади. Дастлабки маҳсулот-сенсор тарбияга оид олти қўлланмани Акмал Икромов туманидаги 20-"Ниҳол" болалар муассасаси олди. Квадратли ва доира шаклида иш-

рувчи "Ўйин 8" ҳисоб чўти, магнитли доска ва соатдан иборат "Ширма уйи", шунингдек айрим болаларнинг яситовонлигини тўғриловчи уқалаш тахтаси чиқаряпмиз.

Фирмада фрезерлик, токарлик станоклари мавжуд. 14 та ходим ўзига бириктирилган вазифани масъулият билан бажармоқда. Биз ўз ҳисоб рақамимизга эгамиз. 1999 йилда 28 турда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Режамиз методик қўлланмалар кўлами турларини имкон қадар кўпайтириб, жажжи ўғил-қизларни мустақил мантиқий фикрлашга ўргатиш.

Сухбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА

ТАБИАТ ИНЪОМЛАРИ

Яқинда Қамаш туманида "Табиат инъомлари" мавзунда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Чирокчи, Қамаш туманининг ўқувчи-соҳибкорлари ўз мактабларини томорқасида етиштирган маҳсулотларини намойиш этди. Ўзлари етиштирган гул уруғлари, кўчатларни йиғил-

ганлар ҳукмига ҳавола этишди. Она табиат, уни асраб-авайлаш тўғрисидаги билимларини синаб кўришди.

Танловда қамашлик ўқувчилар голиб деб топилди.

Шаҳрисабзлик, яккабоғлик ёш табиатшунослар иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

Садат ОСТОНОВ

КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Талаба... Бу улуг номга етишиш бахти кимга насиб этадию, кимга йўқ?

"Талабалар шаҳарчаси"да минглаб йигит-қизлар мустақил ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳўш, келажакимиз бунёдкорлари кўнун топган ётоқхоналарда аҳвол қандай? Уларга қурсатилган маданий-маиший хизматлар талабга жавоб берадиларми?

Ҳа, бу тўғрида қўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат дуконлари, савдо расталари ва "Хазина" китоб дукони талабалар эҳтиёжини маълум даражада қондирип-ти.

Университет маъмурияти томони-

дан ташкил этилаётган турли хил спорт мусобақалари ҳам ибратли ишлардан. Бу биринчидан, ёшларнинг саломатлигида ижобий самара берса, иккинчидан, уларнинг бўш вақтлари зое кетмаслигида қўл келади.

Айниқса, ҳафтанинг ҳар жума кунинда "Жума оқшоми" бадий концерт дастури талабаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ёрдам бермоқда. Гуруч курмакисиз булмаганидек, ибратли ишлар билан бир қаторда кўнглимизни хира қиладиган айрим ноҳужа ҳодисалар ҳам учраб турибди. Шаҳарчада жойлашган "Видеосалон"лардан бирида ёшларимизнинг онгини заҳарлайдиган, миллий мафқурамизга тўғри кел-

майдиган бемаъни фильмлар намойиш этилмоқда. Кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, ана шу зурвонликни, қотилликни, ур-йиқитни тарғиб этадиган фильмларнинг номлари киноафишаларда улкан ҳарфлар билан кўрға хасса тутгандек серкатнов кучанинг шундоққина автобус бекати рупарасига осиб қўйилади.

Ҳўш, бу билан талабаларни қандай йўлга бошлаяптилар? Киноэкранларга чиқадиган фильмлар устидан қачон назорат урнатилади?

Анвар КАРАЕВ,
ТошДУ журналистика
факультети талабаси

Адабиёт сўз санъатига эмас, балки ўғил-қизларга гурур тўғусини берадиган фан ҳамдир. Шу билан бирга у қалбларга сабру қаноат, саховат, меҳр-шафқат сингари эзгуликларни жойлаш қаторида фикрга фикр қўшади, десак ҳам янглишмаймиз. Адабиёт намояндлари бўлмиш шоир ва ёзувчилар эса фикрлашда, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришда бир қадам олдинда юрадиган замондошларимиздир. Шу боис биз шоира Кутлибека Раҳимбоевнинг юртимиздаги Янги йил байрамнинг ўзига хослиги, устоз ибрати, муаллим ва ўқувчи муаммолари, ўғил-қизларнинг китобга муносабати, урф-одат, анъаналаримизнинг таълимдаги ўрни мавзуларда фикр-мулоҳазалари билан қизиқиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

- Кутлибека опа! Янги йилга қадам қўйилётганда ўтган йил ҳам қандайдир ҳаяжон билан эсга олинади. Шу маънода ўтган 1999 йил Сиз учун қайси жиҳатлари билан эсга қоқларли бўлди?

- Одам болалигида байрамларга ошиқди. Айниқса, арчанинг ранг-баранг уйинчоқлари жозибасини ё Қорбобонинг сирли совгаларига мафтунлики? Янги йил байрамни кичкинтойлар алоҳида бир орақиш билан кутиб, кузатадилар. Ёшигун ўлғайгач, қалбинга барча кунлар яқинроқ буларкан. Ҳафта, ой, йилларни яхши куриб қоларкансан. Кетаётган йилни томириндан биттаси узилиб кетаётгандек ички бир оғриқ билан кузатаркансан.

Мен ҳам анчадан буён эски йил билан хайр-хуш оқлариди шундай кайфиятни қалбдан кечираман. Аммо келиш-кейтиш — табиат қонуни. Мен хоҳлайманми, йўқми бу қонунга қуниқшим шарт.

Бу — менинг умумий бир ҳолатим. Аммо, 1999 йил ҳақида уйлаганимда ҳаёлимдан қуп яхшиликлар кечади. Масалан, Президентимизнинг Навруз байрамидаги табрик сузлари... “Мен омон эканман, халқим ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдим!” Бошида айнан шундай жавоб берадиган эгаси йўқлиги учун шу пайтгача бу миллатга хоҳлаган пайтда хоҳлаганлар келиб, ҳужалик қилишган. Буйруқ беришган. Хоҳласа, Сибирга ҳайдаб кетиб, қаҳратонда урмон кестирган. Хоҳласа, отган, хоҳласа, осан. Шукрки, шу миллат эрки учун жавобгар шахс тарих майдонига келди. Бу катта қувончга, гурурга арзирли ҳодиса эмасми?

Ватанимизда илк бор миллий кураш бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилди. Финалда икки йигитимиз беллашадиган бўлишди. Олишув олдин Тоштемур билан Эрали бир-бирини маҳкам қучоқлаб, омад тиладилар. Бу одатдаги курашдаги икки полвоннинг шунчаки бир-бирига қул узатиб қўйиши эмас. Бу - “Сен енгсан ҳам, мен енгсам ҳам, Ўзбекистон голиб” деган буюк бир гурур суврати. Мен уша манзарани ҳали-ҳануз ҳажжонсиз эслай олмаيمان. Бу миллий бирлик деган, не не боболаримиз қуролмай, ета олмай қон йиллаб кетган орзу дарахтининг бир куртаги эмасмикан?

Яқинда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри биносига Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимизга мукофотлар топширилди. Мукофотланганларнинг қупи — санъаткорлар эди. Ҳар биттаси саҳнага кутарилганда залдаги ҳамкасблари шундай гулдурос қарсақлар билан олқишлашдики... Бундай қарсақлар буюртма билан чалинмайдилар. Демак, санъаткорлар уз ҳамкасби омадига юракдан қувоняпти.

Мен бу қувончдан қувондим.

Мен ана шундай қувончларни орзу қиламан. Ва улар мен учун йилнинг энг ёруғ дамлари.

“Қора кузлар” каби миллий киноларимизга суюндим, футболчи йигитларимиз Бирлашган Араб Амирликларидан голиб қайтганда бошим осмонга етди... Бугдойлар олтинланганда, пахталар юлдузлар шаклида очилганда қувондим. Муаллимлар, ёзувчилар Қаҳрамон бўлганда гурурландим. Хуллас, хотирамнинг 1999 дея роҳатланган саҳифасида қуп эзгуликлар ёзилган.

Армон, афсуслар ҳам етарли... Уларни сурамабсиз, айтмай қуя қолай.

- Янги 2000 йил Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилинганда, нималарни ўйладингиз?

- Ҳар йил охирида баъзи дустларимиз “Бу йил бундай бўлади” дея башорат қила бошлайдилар. 2000 йилни узимизча ёшларга тақдим этиб қўйгандик. Аммо “фол”имиз туппа-туғри чиқмасда, кунглимиздагидек ёшлар ҳақида қайгурилди — Соғлом авлод йили бўлди.

130 йиллик мустақил тузум бизнинг жисимизда ҳам, руҳимизда ҳам оғир асоратлар қолдирган. Бу иллатлардан батамом қутилмас, овоз инсон даражасига кутариламиз. Қондаги иллатлар, ондаги иллатлар...

Менимча, Соғлом авлод йилида бу иллатларга “ёв” бўлиб яқинроқ бора-

миз. Билиб, тушуниб курашиш, интилиш оқибати яхшилик бўлади.

Фақат “Соғлом авлод” деган орзу, интилиш ҳар биримизнинг юрагимизда тирик жисмдай нафас ола бошлаши керак. Биз боламизни севгандай, ардоқлагандай яхши куриб эъзозласак, шундагина яхши ният ярим эмас, бутун давлат бўлади.

- Инсон манфаатлари, оила, аёл, соғлом авлод тушунчаларида, Сизнингча ҳам ҳамонанглик бор эмасми?

- Замирида жуда чиروي мазмунлар яшаётган бу тушунчалар уз-узидан бир-бирига бардавом, ҳамонан бўлавермайдилар. Улар бир-бирини мутлақо танимаслиги, угайсирати ҳам мумкин. Дуст, жигардек бўлиб бир-бирининг бошини силаши, кузини ешини табассуми билан қуритиши ҳам мумкин. Бу - сизу бизнинг ниятларимиз, ҳаракатларимиз, амалимизга боғлиқ. Сиз айтгандай, бу тушунчалар узвийлигини биз жуда қаттиқ истаямиз. Баъзан бу узвийликка эришяпмиз. Аммо узилтишлар ҳали қуп. Мени, айниқса, ҳуқуқ соҳамиздаги муаммолар қуп уйлантиради. Адолат деган тарози ҳамма вақт ҳам одил тарозибон қўлида эмаслиги, айниқса, шу соҳада сезилади...

- Баъзи олимлар “Тарбия - қуп қиррали ва мураккаб жараён” ёки “Тарбияда таълимнинг асл моҳияти тўғрисида таҳлилий фикр юритмайдилар. Кутлибека опа, тарбия ўзи нима?

- Тарбияни қопга солиб бировга тақдим қилиб бўлмайди. Ё мана бу кун тарбия қунидир, дея қизил қаламда таквимда белгилаб курсатиш ҳам мумкин эмас. Тарбия бизнинг ҳар сўзимиз, ҳар ама-

Mehmonxona

ман.
- Муаллимлик касби ва устозлик салоҳияти тўғрисида гап кетганда, ўқувчилик даврингизда қандай воқеаларни, қайси фан ўқитувчиларини самимий билан эслайсиз?

- Нуржон Шержонов (худо раҳмат қилсин) отли математика муаллимимиз буларди. Синф раҳбаримиз эдилар. Кесиб гапирадиган, борлиги ҳамма жойда сезиладиган одам эдилар. Бизни ҳар доим дарсдан сунг далага ҳайдашарди. Утоқ, яғана, жуяк олиш, қаноқ уриш, пахта... Крупская деган участкамиз буларди. Раисимизнинг участкаси бўлгани учунми, барча амалдорларимиз ўша участкадан эди. Амалдорларнинг хотинлари, табиийки, далада ишлашдан ор қиларди. Бизни нуқул ўша участкага юборишарди. Бир кун мактаб раҳбарлари ёмғир шаррос ёғиб турганда канопа ҳайдаётган эди, муаллимимиз: “7-А”, қайт орқанга, уй-уйингга марш!” деганлар. Раҳбарларимиздан бири:

- Сиз мактабни йикитмоқчимисиз, қураимиз... — деганда:

- Билганингизни қилинг, болаларим ўша хомпиш(семиз, демоқчи)ларнинг чуриси эмас! - деганини эсламан...

Эҳтимол, муаллимимизнинг бу узбошимчилиги ўзбекчилик нуқтаи назаридан унча ёқимли эмасдир, аммо менга домламнинг шу кескинлиги кейинчалик қуп ҳолатларимда куч берган.

Отажон Тожибоев отли адабиёт муаллимимиз (умрлари узок бўлсин) туман газетаси таҳририятига қажавали мотоциклларида олиб борганлар. Менга 1 сўм 40 тирий қалам ҳақи беришган. “Онанинг совға ол”. деб дуконга бошлаб борган-

ЎҚИТУВЧИ - ЎҚУВЧИ ҲАЁТИДАГИ ИМКОНИЯТ



лимиз. Ҳатто сукутимиз ҳам тарбия. Масалан, мен бир ҳақ одамни ноҳақ тўхматдан уз тинчлигимни ўйлаб ҳимоя қила олмадим, дейлик. Боламни қурқоқ, хиёнаткор этиб тарбиялай бошлаганим бу. Бундай тарбиядан худонинг ўзи асрасин...

Мен одам қупроқ узига-узи тарбиячи бўлиши керак, деб ўйлайман.
- Сизнингча, она-диёрга муҳаббат ота-онага муносабатдан келиб чиқмайдими?
- Албатта. Мен онасидан беш-олти йиллаб бирон марта хабар олманган одамда, гарчанд уни ён-атрофдагилар даҳо даражасига чиқариб қўйишган бўлса-да, катта ватанпарварликка қодир муҳаббат бўлишига ишонмайман.

Бир отасига ҳимояга ярамаган одам бир қарич ерининг ҳимоясига ҳам мутлақо яроқсиздир. Синглисининг бошини силашга арзиманган оға, жиянларига ҳайитлик бериб суюнтирмаган тоғага миллат, юртни ишончи бўладими?!

- Ҳозир мактаб ўқувчиларида ўзбек характери шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилаётган. Балки яна қадим тарбия усулларига, халқ педагогикасига мурожаат қилиш лозимдир. Бунга қандай қарайсиз?

- Ўзбек характери дастлабки энг қадимий узанларидан анча олислаб кетган, назаримда. Энг қадимги Хитой тарихчилари асарларида бизнинг миллатимиз ута шахд, шидатли, ботир, енгилмас, дея таърифланган. Яна бизни жанг билан эмас, ҳийла билан енгилш мумкинлигига ишора қилишган. Соддалигимизни айтишган-да. Биз баъзан бу соддалик, ишонувчанлигимизни ҳам оққунгиллик, кенглик, деймиз.

Нима демоқчимиз? Биз ота-боболаримиздан қолган энг гузал меросларимизни узлаштирсак... Бу гузалликнинг асоси - қонимизда бор. Қонимизда хотира бор, тирик ҳужайралар бор. Аммо ҳар хил даврларда меъёр ҳисобланган “тарбия усул”ларини узлаштираверсак, булмас... Масалан, қатагон йилларидаги соқовлик, гунглик, ҳимояга яроқсизлик... Сиз болаларимизга ҳунар, билим берганимизни, ёши улугларни иззат қилганимизни, сағирларга доим ҳимматли, бевадаларга хайрихоҳ, уғрилиқ, зиноларга шафқатсиз бўлганимизни айтмасиз...

Ҳа, бу сифатларимиз — бизнинг юракдаги безакларимиз, уша безакларсиз қолмайлик, илоҳим. Яланғочлашмайлик, қашшоқлашмайлик. Аммо биз ҳар қачон, қаердан нима олсак-да, ўйлаб, таҳлил қилиб, танлаб олганимиз дуруст, деган фикрда-

лар. Одийгина румол олганман. Бу, менинг пешона терим билан топган илк меҳнат ҳақим бўлса керак. Онам, табият қаттиққул, иродати, унча-мунчага қуз ёш қилавермайдиган аёл. Аммо ўшанда румолни олаётиб, миждаларига томчи қалққан...

Бунақа воқеалар жуда қуп. Умуман, муаллимларимни соғиниб, миннатдорчилик билан ёдлайман.

- Муаллим ва ўқувчи бир-бирларини англашларида қандай омиллар ёрдам беради, деб ўйлайсиз?

- Яқинда ўқувчилар даврасида битта гап эшитдим. Пойтахт мактабларининг бирида жисмоний тарбиядан дарс бериувчи муаллима уз талабаларига қорак якунида: “Қим битта шампань виноси ва битта қути шоколад олиб келса, баҳосини кутараман”, деб эълон қилибди. Бу - туқима эмас. Исм-фамилиясини айтсам, ўша ўқувчиларга жабр бўлади. Аслида бу нуқтаи назарим ҳам хато.

Ташқаридан қарасак, ана шунақа совгалар ҳам ўқитувчи ва ўқувчини бир-бирини яхши “тушунтиради”. Бунақа “тушунтириш”лар битта бўлса ҳам қуп.

Болани муаллимга яқин қиладиган энг қисқа йўл - самимият ва билим, менимча. Яна муаллим ва ўқувчи ҳам, аввало, узини одамман, деб ўйлаши керак, назаримда. Мен муаллимман, мен ўқувчиман деган таъкид қупинча улар уртасида девор тиклайди.

- Кўпинча, ўғил-қизлар ёки муаллимлар кутубхонадан қизиқарли китоб қидирадилар. “Нималарни ёки қандай асарларни ўқисам экан”, деб бир-бирларига саволлар беришади. Мабодо, Сиздан шу хусусда сўраб қолишса, уларга қандай китобларни ўқитиш тавсия қиласиз?

- Китоб одамнинг энг ишончли дустидир. Ургатади, таскин беради, куч бағишлайди, гурур тугдиради, баъзан йиллатади, кунглини юмшатади... Мен шу кунларда Чингиз Айтматов билан Мухтор Шохоннинг сўхбатлари ёзилган “Чуққанда қолган овчининг оху-зори” деган китобни, тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” асарини ўқиб чиқдим. Француз шоири Поль Элюар шеърларини варақладим. Эҳ-ҳе, ҳозир ўқийман, деганга китоб қуп. “Ҳақон адабиети” журналидаги романлар... тарихий асарлар, биттагина Темур даврига аталган унлаб асарларни санаш мумкин. Ибн Арабшоҳдан тортиб Бурибой Аҳмедовга-

ча... Ўзбек адабиетида “Шайтанат” каби саргузашт асарлар ёзилган. Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамро, Саломат Вафониинг руҳият манзараларидан баҳс этувчи психологик асарлари... Бунинг устига тил билганга немисларнинг ақлли, французларнинг жозибали диқоялари... Фақат ёмғирли тунда деразини очиб қўйиб, оёқни сандалга тикиб, мазза қилиб ўқиш керак, холос!

- Яқинда катта бир йигитда тарих - ибрат эканлиги тўғрисида гапирилиб, муаммолар ҳам тилга олинди. Масалан, айрим муаллимлар ўқувчиларга буюк боболаримиз Замахшарий, Абулайс Самарқандий, Имом ал-Бухорий, Нажмиддин Кубро каби алломаларимиз ҳақида тўлиқ маълумотлар, тушунчалар бера олмаётирлар, деган фикрлар билдирилди. Бунга нима дейсиз?

- Нима дердим? Бор гап. Уқига олишмаганини уқига олишмаяпти, дейишади-да. Аммо бу улугларимиз асарларини чуқур билишимиз шарт. Исmlарни санаб ўтган билан иш битмайди. Уларни чуқур билидиган алломаларимиздан уз вақтида фойдаланишга улгуришимиз керак. Замахшарий, Нажмиддин Кубролар ҳақида теран, атрофли маълумот бергувчи асарлар, эҳтимол, нашр этилганда, мен билмасман. Узим муъжазгина рисоаларини биламан. Ундаги маълумотлар умумийроқ. Ҳар ҳолда “Нажмиддин Кубро исмини юрагимиз устига қайси сўзи ва қайси амали учун қўйиб юрамиз?” деган саволга аниқ, ишончли жавобларни айта оладиган бўлсам яхши-да.

Бу уринда китоблардан қура кинофильмлар болалар қалбига тезроқ кириб боради. Брюс Ли, Чак Норрисларни куриб, бир-бирига ҳезланиб юрган болалар Замахшарий, Кубро ҳақидаги фалсафий, теран фильмларни томоша қилишса, балки вазмин тортарди... Тугри, кино яратиш кино сотиб олишдан қийин. Барибир, биз сотиб олувчи эмас, яратувчи бўлмоқчимиз-ку!

- Анъана, олат ва ўғитлар. Бу тушунчалар замирида бир-бирига боғлиқ улкан ҳаёт бор. Булар болалар боғчаларига, илм масканларига, умуман турмушимизга ҳали чуқур сингиб бормагандай туюлаверди. Демоқчиманки, уйимизда ҳар кун бир хил ҳолат такрорланади. Фарзандларимизни боғчага олиб бориш мен учун ҳам, онаси учун ҳам оғир кечади. Улар бор имкониятларини ишга солишиб, у ерга бормасликка тиришишади. Бу фарзандларнинг ота-онасига қилаётган эркалигиминики, ё...?

- Боғча опалар билан шу мавзуда сўхбатлашсангиз, маошимиз оз, меҳнатимизга яраша эмас, дейишади. Шунинг учун бошқа ишлар билан ҳам шугулланишаётгани, тирикчилик деб кунгли бўлинаётганини айтишади. Албатта, ҳали бойиб ҳам кетармиз. Тарбиячиларимиз ҳам узларининг эҳтиёжларига яраша ҳақ олишар... Аммо биз бугун сал фидойироқ бўлмоғимиз керак. Айнан шу бугун болаларимизга бутун кучимизни баҳш этишимиз шарт.

Қупинча: “Фалончи касб эгалари биздан қура юрта қуп хизмат қилаяптими, нега улар мана шунча олади-ю, биз шунча оламиз?”, деган эътирозлар эшитилади. Майли, ҳар кимнинг қанча иш қилиб, қанча олгани уз виждонига ҳавола.

Боғча опалар, муаллимлар эса борира қаноат қилиб, астойдил ишлаши керак. Балки ҳаётлигида улар бу меҳнатнинг тула роҳатини қура олмас... Лекин эрта утиб индинга манман деган миллатлар билан беллаша оладиган ўзбеклар жаҳон майдонига тик чиққанда... улар тупроқ бўлиб, майса бўлиб, уз фарзандлари — уз меҳнатлари мева-сидан суюнадилар. Бундай орзуси бўлган боғча опалари бор масканларга кичкинтойлар жон-жон деб боришади...

- Илгарилари ўғил-қизлар бирон масала юзасидан ўз фикрини баён қилса “Катталарнинг ишга аралашмагин” деган таъбеҳни эшитарди. Энди эса ёшларимизни мустақил фикрлашга, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиришга даъват этаяпмиз. Бу биров нотабиийроқ эмасми?

- Майли, ўғил-қизларимиз гапиринсин! Ҳозирча узларига бир оз бино қўйиб, бир оз ҳовлиқиброқ... Аста-секин нимани, қандай айтишни урганиб олишади. Ҳар ҳолда “Жим бу!” мутелликка, “Айт!” хурликка олиб борувчи сўқмоқ...

- Соғлом авлод йили муносабати билан муштарийларга билдирадиган истак ва тилларингиз.

- Ҳаммининг орзулари соғайсин, умидлари бутун бўлсин! Ишончлари дарз кетмасин! Майиб, мажруҳ, яралор, оғрикли, хаста деган сузлар биздан узоқлашсин! Бақувват, соғлом, чиروي, гузал каби сузлар бутун миллатимизнинг сифатига айлансин! Тилакларимизга фаришталар омин, десин!

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ
сўхбатлашди.

ENDI BO'LMAYMAN YALQOV
CHUNKI BUGUN ZO'R SAYLOV

Koinotda hali yulduz botmasdan,
Zarrin quyosh chiqib, tong ham otmasdan.
Timqora va uzun kiprigin qoqib,
Dast o'rnidan turdi Mirhabib.

Buni ko'rgach kelib mehribon ona,
Tabassum qildi-da, bo'lib parvona:
—Bugun nega buncha turding ertalab?
Qo'zichog'im,— dedi uni erkalab.

Ko'rpa-yostiqlarni yig'di Mirhabib.
Mehribon onaga sevinch-la boqib:
—Bugun zo'r bayram-ku — kattakon
saylov,
Mana, ko'ring, endi bo'lmayman yalqov.

Rahimaxon QOSIMXO'JAYEVA,
O'zPFITI xodimi



YOD OLAMIZ

Oyoqlarda chopdik biz: Daraxt boshida xo'roz:
top-top-top. qu-qu-qu-q...
Qo'lda chapak chaldik biz: Qo'ngim ochqadi bir oz:
chap-chap-chap. miyov-miyov-miyov.
Ayiq polvon kelmoqda: Baxtli o'g'il qizlarmiz:
top-top-top. xo'p-xo'p-xo'p.
Kelgin birga o'ynaymiz: Kelgin birga o'ynaymiz:
xo'p-xo'p-xo'p. to'p-to'p-to'p.

HUMO

Men humoman, Bug'doyu paxtam bilan,
humoman, Yurtingizga tug'roman.
Erksevarga oshnoman.

Rajaboy O'RUNOVA

QIZIQARLI
MASALALAR

1. Yer kurrasining eng baland qismi Himolay tog'lari (Hindiston)dagi Jamolungma (Everest) cho'qqisi bo'lib, u 8848 metrni tashkil etadi. Eng chuqur joy esa Tinch okeanidagi 11022 metrli Mariana chuqurligidir.

Hisoblang-chi, «eng baland» «eng chuqur»dan necha metr kam?

Ular orasidagi umumiy masofachi, u necha metr ekan?

2. Film necha sekund ko'rildi?

Bolalar rosa ikki soat videofilm tomosha qilishdi. Nargiza bu uchun necha minut ketganini aytgandi, Murod uni sekundga aylantirib hisoblab chiqdi.

Siz ham toping-chi, ularning har biri qaysi sonlarni aytishgan?

60+60=

60.60.2=

3. O'tmishning mashhur allomalari Muhammad al-Xorazmiy 782 yilda, Abu Nasr Forobiy 873 yilda, Abu Rayhon Beruniy 973 yilda, Abu Ali ibn Sino esa 980 yilda dunyoga kelishgan. Hisoblab ko'ring-chi, kirib kelgan 2000 yilda biz ularning necha yoshligini nishonlaymiz?



TOPISHMOQLAR

1. Pichoq ursang qon chiqar,
Hamda g'uj-g'uj don chiqar.
(anor)
2. Besh barmog'i bor,
Tirnog'i yo'q.
(qo'lqop)
3. Og'zi yo'g'u tishi bor
Boshimizda ishi bor.
(taroq)
4. Har bir ishni besh o'rtoq
Bajalar ahil-inoq.
(barmoqlar)
5. Yanvar bobo novvot sotdi,
Olgan edim qo'lim qotdi.
(muz)
6. Katta oppoq dasturxon
Hammayoqni qoplagan.
(qor)
7. Hassali qalpog'im bor
Yomg'ir yoqqanda darkor.
(zont)
8. Kelib ketar bir yilda
To'rt og'ayni har xilda.
(to'rt fasl)

Kiyikcha bilan daraxt oldin ajralmas do'st bo'lishgan ekan. Ular bunday do'stlashib qolishgan ekan:

Kiyikcha ko'pincha o'z izquvari, ovchilar va yirtqich hayvonlardan qochib jon saqlashiga to'g'ri kelarkan. U o'zining bo'yi va uzun shoxlari sababli, yaqqol ko'zga tashlanib turarkan.

Kunlardan bir kuni yugurib toliqqan kiyikcha daraxt tagiga kelib yig'lay boshlabdi.

—Kiyikjon,- debdi daraxt, - men seni qanday qutqarishni bilmayman. Sen xavfni sezishing bilanoq shoxlarim orasiga kirib yashirinib ol. Ko'ryapsanmi, ular qanaqa enli va katta. Seni barglar ortida hech kim ko'rmaydi.

Kiyikcha daraxtga dildan minnatdorchilik bildiribdi. U endi dushmanlardan ko'pincha do'stining

KIYIKCHA VA DARAXT
(Afrika ertagi)

ishonchli himoyasida jon saqlab qolarkan.

Bir kuni ertalab ochiqqan kiyikcha birdan daraxtning

barglarini yeyishga kirishibdi.

—Hoy, nima qilyapsan, badbaxt! Men senga boshpana bersamu, menga ko'rsatgan diyonating shumi? — debdi daraxt.

Kiyikcha unga parvo qilmay, ko'm-ko'k novdalarni uzib-uzib yeyishda davom etaveribdi. Oxiri daraxt shoxlarini ship-shiydam qilib, daraxt tagini yalanglab qo'yibdi.

Bir kuni kiyikcha daraxt tagida mast uyquda yotgan ekan, o'tib borayotgan ovchi uni ko'rib qolibdi va unga o'q uzibdi. Shunday qilib, kiyikcha o'z qilmishining qurboni bo'libdi. Qissadan hissa shulkim, senga yaxshilik qilganga yomonlik qilish ko'rnamaklik bo'ladi. Ko'rnamaklik esa, o'z-o'ziga choh qazish demakdir.

— Tomas, ukangga nima qildi? — so'radi onasi boladan.
— U yig'layapti,
— javob berdi

Tomas — men o'z kekslarimni yeb bo'lib, uning bitta keksini oldim.

— Unda u ikkinchi keksini yeb bo'lib, yig'layaptimi?

— Yo'q, yeb bo'lgani yo'q, men uning ikkinchi keksini ham olgandim, yig'lashga tushdi.

— Nima uchun darsdan keyin seni maktabda olib qolishdi, — so'radi ota o'g'ilidan.

— Chunki Ostrov orolining qayerdaligini bilmadim, — javob berdi o'g'il.

— Yaxshi, ikkinchi marta narsalaringni qayerga qo'yganingni unutmaysan.

O'qituvchi: — «Tom, senga bu

INGLIZ
XANDALARI

masalani yechishda Jimmi Grin yordam berdimi?»
Tom: «Yo'q, mem».

O'qituvchi: — «To'g'risini ayt, rostdan ham u senga yordam bergani yo'qmi?»

Tom: — «Yo'q, mem, u menga yordam bergani yo'q, bularning hammasini u o'zi yechib qo'ya qoldi».

Telefondagi ovoz: — «Allo, Jon Smit kasal bo'lib qoldi, bugun u darsga qatnasholmaydi. U mendan sizga telefon qilib qo'yishimni so'radi.

O'qituvchi: — «Xo'p mayli. Gapirayotgan kim o'zi?»

Telefondagi ovoz: — «Bu — mening akam Tom».

Inglizchadan
Dilorum SHARIPOVA tarjimasi

Ёз чилласи эди. Ҳовлимиз ўртасидаги нашоётнинг остидидаги сўрида бувим Файзинисо отин ўтирардилар. Мен уларнинг олдиларига бориб саломлашиб, ҳола-аҳвол сўрадим.

— Шукр, — дейдилар бувим, бошларидида оппоқ чит рўмолларини тузатиб туриб.

— Бу жой, сизга иссиқлик қилмаяптими? Салқинроқ уйга кирсангиз бўлмайдими? — дедим.

ми, ўзи? Ойинг, даданг, укаларинг ҳаммаси тинчми?

— Ҳа, тинчлик, нега ҳайрон бўлиб сўраяпсиз? — дедим у.

— Қара, қизим, қоп-қора кийинибсан-ку! Ўрнингдан тур-чи? Вой, шўрим! Бу нима қилиқ? Нега орқанг очиқ? Сўкилган?

— Бувижон! Бу, ахир, мода-ку! Атайлаб қайчиланган (ат-рес) қилиб тиктирилган ўзи! — дедим кулиб Зебо.

— Ҳай, ҳай! Дарров орқан-

бўлмасин-да! Ярим яланғоч қизларни кўрсам уялиб кетман. Ахир, бу ўзбекчилигимизга тўғри келмайди-ку! Нега энди миллий кийим-кечакаларимиз бўлса-ю, оврупоча кийиниб юришса-я, тавба! Бизнинг замонда оппоқ багист, қип-қизил гулли читлардан кўйлак киярдик, бирам ярашардики! Ёзда баганинг ҳам терламайди, яхши ҳаво ўтказарди, соғлом юрасан, тер ҳид ҳам келмайди. Айниқса, келинчакка оппоқ штапел кийгизиш, оқ

дист, чит каби материаллардан тикиб киярдилар. Ёзнинг жазирама иссиғи ҳам уларга қор қилмас эди. Оқ рўмол остидидаги қирқ кокил сочлари тўлғонарди.

Чаккаларига тақилган қора райҳон хидлари димоқни қитиқларди...

Айниқса, ён тумору, кўзмунчоқ, қалампир мунчоқлар ҳам ярашиб турарди-я! Мана шундай доруломон замонага етказганига шукр қилиб, кийиниш керак, қизим,

рияларимизга содиқ, ўзбек урф-одатларимизни бажаришда фидойи! — дедим суҳбатга аралашиб.

Зебо ҳам гапимни тасдиқлагандек бош қимирлатди. Дарҳақиқат, бувижонимнинг гапларида жон бор эди. Шунинг учун айтадилар-да «қариси бор уйнинг париси бор» деб. Кексаларимизнинг ҳар бир ўғитлари тиллога тенг тортиб олгулик. Уларнинг тажрибасига, қадрига ети-

ЧИТ КЎЙЛАКНИНГ ЧИРОЙИ

— Ҳе, болам менинг бошимда, эгнимда ҳам соябоним бор, иссиқ ўтказмайди, дедилар — қаҳ-қаҳ кулиб.

— Қани соябонингиз? — ҳайрон бўлиб сўрайман. — Йўқ-ку!

— Нега йўқ бўларкан, манави чит рўмол-чи? Эгнимдаги чит кўйлак-чи?

Бувимнинг болаларча қувноқлик билан қилаётган ҳазилларини кейин тушинибман. Бувим билан суҳбатимиз тугамасдан эшикдан шаҳарлик талаба жияним — Зебохон кириб келди. Мен ва бувим билан саломлашди. Бувим: — Зебо, тинчлик-

гни тикиб олгин ёки шаҳарликлар шунақа кийинишадими? У кунни тўйга борганимда ҳам сендақа қизларни кўрувдим-а? Ҳаммаси қора кийинган, худди азага боргандай, яна кўпчилиги ерга тегадиган қоп-қора узун кўйлак ҳам кийишибди, "Ҳижоб" кўйлак эмиш, ё тавба!

Тўйга атлас, крепдишин, юмшоққина батислардан кийса қандай яхши-я!

— Ҳозирги замонда қизлар ана шунақа кийинишадиган-да! Бувижон! — дедим у кулиб.

— Майли кийинишин, замондан ўргилай, лекин қоп-қора, олди очиқ, орқаси очиқ

рўмол ўратардик, худди кинодаги Кумушбигига ўхшаб. Бизнинг ёшлигимизда чит кўйлакни улуглаб мана шундай кўшиқлар ҳам айтардик.

Чит кўйлакнинг чиройи, Бўлса гулли тумори.

Чит кўйлакни киймаган, Бўлар унинг хумори.

Ҳаю, читти гул, ҳаю читти гул!

Қизлар ҳайит байрамларда ана шундай ашулалар айтиб, кимнинг чит кўйлаги чиройли эканлигини кўз-кўз қилишарди. Ёш — яланғар эса далага чиққанларида ҳам оқ рўмолларини ўраб, оппоқ ҳарир, ба-

тақиддан қочиш керак. Баъзан ёшлар қолиб катта-катта аёллар ҳам «Сендан мен ўтаман» қабилда кийинадилар. Ёшларига эп бўлмайдиган ялтироқ материаллар кийиб, бу ҳам етмагандай қаторлатиб маржонлар ҳам тақшишарди-я! «Маржонлар кўпайиб кетяпти», дедилар бувим хандон отиб. Бувим шунақалар, жиддий гапни ҳазил аралаш гапирар, бировнинг кўнглига тегиб кетишдан хижолат тортарди.

— Бувижон! Ҳадеб Зебони уялтиравманг, шаклан шундай "кўринишда" бўлса ҳам, мазмунан маънавий етук, қад-

шимиз керак. Бувижоним таъжидлаганларидек, "Уй палоси билан, инсон либоси билан". Юртимизнинг қизлари зебо, гўзалликда тенги йўқ, малак. Шундай гўзалликни асраш, қадрига етиш учун содда, самимий, юриши, туриши ҳам, кийиниш, одоби ҳам қалбларни ром этса, кўриб кўзлар қувонса, ҳаётимиз янада гўзал, файзли бўларди. Чит кўйлакнинг чиройи ҳамон кўзларимизни яшнатсин, оддийлик ва самимийликка не етсин!

Тўхтаҳон РАХИМОВА

Азиз мураббия аёллар! Газетангиз Сизлар учун "Мураббия аёллар саҳифаси"ни ташкил қилганлигидан хабарингиз бор. Бу саҳифа орқали Сиз турли-туман қизиқарли нарсаларни билиб оляпсиз. Худди шу саҳифада биз "Ошхона" рукнини очдик. Сабаби, ҳар бир аёл ишхонада ишчи, ходима, ўқитувчи бўлиши мумкин. Лекин у ўз хонадонидида ошхона бекасига айланиши аниқ.

Рукнимизда ўзбек миллий таомлари тарихи, уларни тайёрлаш усуллари, турли хил пишириқлар пишириш ҳақида сўз юритмоқчимиз. Эркакларнинг муҳаббатини қозониш учун босиб ўтиладиган йўл улар ошқозонидан ўтади, дейишади. Шундай экан фарзандларингизга, турмуш ўртоғингизга ширин-шакар егуликлар тайёрлаб, уларнинг муҳаббатини яна ўн чандон оширинг. Бизнинг бу рукнимиз орқали турли миллатларнинг миллий таомларини ҳам тайёрлашни ўрганасиз, деган умиддамиз.

Қиш кунларида эрта тонгда болаларингизни мактабга жўнатишдан аввал, улар учун нонушта тайёрлайсиз. Иссиқ чой, нон, шакар яна ул-буллар билан дастурхонни тўлдирасиз. Шунда «қани энди ёз бўлса-ю, болаларимга мевалардан ҳам нималардир тайёрлаб берсам», деган уй ўтади хаёлингиздан. Чаққон, эпчил уй бекаси учун ёз ва қиш фаслларининг аҳамияти унчалик бўлмаса керак. Турли сабзотлардан ҳам мураббо, печенье, пирог пишириб дастурхонга тортишингиз мумкин.



САБЗИЛИ МУРАББО

Сабзи сабзавотлар орасида энг кўп истеъмол қилинадиган егулик. Унинг дармондориларга бойлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Қиш кунларида ҳам сабзи худди янгидек тураверади.

Сабзили мураббо учун 1 кг сабзи, 1 кг шакар ва озроқ сув керак бўлади, холос. Қизил сабзи яхшилаб ювилади ва тозаланади. Ўткир пичоқда сомонча шаклида тўғралади ва қайнаб турган сувга бир солиб олинади. Сўнгра 1 кг шакарни сувга солиб қиём тайёрланади. Қайнаб турган қиёмга аввал тайёрлаб қўйилган сабзи солинади. 5-6 дақиқа баланд оловда қайнаган мураббо оловини пасайтириб қиёмни гиниқ, қизил тусга киргунича пиширилади.

Бу мураббо беҳи, олча, қулупнай, малина мурабболари сингарни ширин, мазали бўлади. Ҳамда озгина маблаг сарфланади, холос.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Маърифатни оддий қоғоз-қаламда эмас, балки турли қурилишдаги озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ургатиш мумкинлигига ишонасизми? Инглиз қандолатчиси Жонатан Керрнинг ихтироси Англияда саводсизликка қарши курашнинг бир қурилиши булган.

Инглиз пазандалигида кекс, пирожний, вафли ҳамда печеньеелар анъанавий таомлар ҳисобланади. Шуларнинг ҳар бирининг келиб чиқиши туғрисида турли ривоятлар юради. XIX аср урталарида инглизлар орасида саводсизлар кўп булган. Саводлиликни ошириш масаласини қирол ҳузурда ёки парламентда қуриб чиқиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам кел-

"АЛИФБЕ" ПЕЧЕНЬЕЛАР

маган. Мактаблар кам, кексаларга эса савод ургатиш амри маҳол. Лекин Жонатан Керр исмли пазанда инглиз алифбесидидаги ҳарфларга ухшаган печеньеелар ижод қилади ва ҳарф— печеньеелар тайёрлайдиган машинани ҳам кашф қилади. У уз олдида, шу печеньеелар одамларни ҳарф танишга ургатади, деган мақсадни қўяди. Натижа ёмон бўлмайди. Ҳарф урганишга мойиллиги бор одамларнинг кўпайганлиги ушбу хил печеньееларга булган талабнинг ортиб кетганлиги билан ифодаланган. Масалан, 1840 йилда Жонатан Керр 500 тонна алфавит печенье тайёрлаб сотганлиги туғрисидаги хабар оғиздан-оғизга утиб бизгача етиб келган. Жонатан Керр, бир томондан жуда бойиб кетган булса, иккинчи томондан эса маърифатпарварликда XIX аср Англиясидаги гоят катта бир муаммони ҳал этган пазанда ҳисобланади.

УЗУН СОЧЛИ ҚИЗЛАР

Мулла Туйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида "Узун сочли қизлар" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Миллий анъаналар билан ўзбек қизига хос чиройли ўрилган узун сочли қизларнинг саҳнадаги гўзаллиги дилларни тўлқинлантириб юборди. Кўрикда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган қизлар иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати бу кўрикда энг узун, энг қалин соч соҳибалари деб 28 та иштирокчи орасидан қуйидагиларни голиб деб топди: 1-уринда Қарши шаҳар академик лицей ўқувчиси Шаҳноза Норқобилова, 2-уринда Яккабоғ туман вакиласи Хуршида Маҳаммадқулова, 3-уринда Қарши шаҳридаги 1-лицей ўқувчиси Наргиза Худоёрова. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мухтасар КАРИМОВА

Буюк Британиянинг "Санди таймс" газетаси томонидан ўтказилган бу сўровномада сунёнинг 100 га яқин машҳур давлат арбоблари, бизнесменлари, олимлари, ёзувчи санъаткорлари иштирок этдилар. Сўровномада қатнашганларнинг аксарияти Британия фуқароларидир, шунинг учун бу "зўр ўнналик" дан жой олган кишилар сизнинг дидингизга мос тушмаслиги мумкин. Умуман олганда, бу фикрга қандай муносабатда бўлиш сизга ҳавола. Демак, биринчи ўрин немис босма дастгоҳи ихтирочис Иоханн Гутенбергга насиб этибди (1452 йилда оврупаликларга биринчи типографик усулда босиб чиқарилган китобни ҳада қилган инсон шу). Иккинчи ўрин Вильям Шекспирга теккани ҳеч кимга шубҳа уйғотмаса, учинчи ўринни дунёда кўпчиликка нотаниш бўлган Вильям Кастонга берилгани эътирозга молик. Бу ерда инглизларнинг "ватанпарварлик туйғуси" жўшиб кетганга ўхшайди, чунки Кастон XV асрда "Британиянинг Рутенберги" деб ҳисобланган ва, албатта, "туманлар ороли" тарихида ўчмас из қолдирган. Лекин уни Леонардо да Винчидек инсондан юқори қўйиш адолатсизлик, деб ўйлайман. Бешинчидан то саккизинчига қадар ўринларни ҳам британияликлар эгаллаган: Қиролича Елизавета I (унинг даврида Англия театри гуллаб-яшнаган, абсолютизм (музлақ монархия) мустақкамланган ва испанларнинг "Енгилмас армада"си тор-мор келтирилган); физик Майкл Фарадей; Англия мустамлакачиларига қаттиқ қаршилик кўрсатган ва шу учун "антиоврупочи" деб ном олган сўнгги Уэльс шахзода Овейн Глиндвир, буюк физик лорд Исаак Ньютон. Тўққизинчи Авраам Линкольн ва ўнинчи ўрин Галилейга насиб этди.

Сўровномада ("Санди таймс"нинг ёзишича) Борис Ельцин ва Билл Клинтон ҳам иштирок этганлар. Ельцин академик Андрей Сахаровни устун билган бўлса, Қўшма Штатлар Президенти ўзининг ёшлигидаги эъзозлаган одами - Жон Кенне-

ди билан Мартин Лютер Кинг орасидан қайси бирини танлашга анча мияси қотибди, охири ўтган минг йилликдаги энг буюк одам сифатида АҚШ мустақиллик декларацияси муаллифи Томас Жефферсонни тилга олибди.

Бундан ташқари, "Санди таймс" XX асрнинг машҳур 10 кишиси рўйхатини чоп этди. Унда Уинстон Черчил фахрли биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга собиқ Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела мушарраф бўлди. Бешинчи ўрин Альберт Эйнштейнга, саккизинчи ўрин "Microsoft" корпорацияси президенти, миллиардер Билл Гейтсга насиб этди.

Тўққизинчи ўринда... Иосиф Сталин турибди. "Санди таймс"га ёзилишича Шон Коннери (Джеймс Бонд) унинг номзодини олға сурган. Шу газетада қайд этилишича: "Сталин Гитлер ва Муссолинидан озгина кўпроқ овоз олди ва у ўнналикка киртилди. Лекин, бу унинг ёвуз қилмишларини маъқуллаш ниятида қилинган дегани эмас, балки одамлар унинг шу юз йиллик тарихда тутган бузғунчилик фаолиятини назарда тутиб овоз бердилар.

Бошқа бир Лондон газетаси "Файнэншл таймс" эса XX асрнинг энг яхши китобини аниқлаб олишга қарор қилди. Сўровномада Фарбнинг олди зиёлилари қатнашдилар.

Энг кўп овоз олган китоблар сирасидан Василий Гроссманнинг "Ҳаёт ва тақдир" эпопеяси ва Владимир Набоковнинг "Лолита" ва "Пнин" романлари жой олган.

Асрнинг энг зўр асари деб Марсел Прустнинг "Йўқотилган вақтни излаб..." романлар туркуми тан олинди. 1990 йилнинг адабиёт бўйича Нобел мукофоти совриндори, жанубий африкалик Надин Гордимернинг фикрича, инсон муносабатларини теран ва нозик тадқиқ қилган бу адиб, буюк асарларнинг дунёга келишига туртки бўлган.

ЎТГАН МИНГ ЙИЛЛИКНИНГ БУЮК КИШИЛАРИ

"МЎЖИЗАЛАР МАЙДОНИ", ЯКУБОВИЧ ВА "ТЕЗ ЁРДАМ"

Нафақат Россия, балки бизнинг мухлисларимиз севиб, қизиқиб томоша қиладиган РЖТнинг "Мўжизалар майдони" кўрсатувида шу йили 10 йил тўлади. Эҳ-ҳе шу вақт ичида не-не кўрсатувлар "ўлиб, тирилмади" дейсиз, лекин "майдон"нинг рейтинг кўрсаткичи эса ҳали ҳам ўша - юқори. Телеўйинда қатнашмоқни истовчилар жуда кўп (бир ойда у ерга 15 минглаб (!) хат келади). Россияликлар фикрича, "бундан кўра зўрроқ кўрсатув йўқ: бу ерда қариндошу дўстларингга салом юборишинг мумкин, бундан ташқари совғалар, совғалар!".. Ҳа, айтгандек, совғалар ҳақида. "Мўжизалар майдони" музейида икки ярим мингга яқин "экспонат" сақланаркан. Егулик "совға"ларга келсак:

- Бу менинг команدام зиммасига юкланади, - дейди Якубович, - лекин биринчи бўлиб совгани мен татиб кўраман. Тўғрироғи (ўзингиз бунинг гувоҳи бўлгансиз) мени кўрсатувда "мажбурлашади". Шу туфайли телеўйиндан сўнг бир неча бор "Тез ёрдам" олиб кетган кунлар ҳам бўлган. Баъзида йўлда айниб қолган емакни едиришади ёки тоза спиртни оғоҳлантирмай ичиришади. Лекин кўриб турганингиздек - тирикман! Кўрсатувимиз ҳам ҳали кўп "яшайди" деган умиддаман...

Хорижий матбуот материаллари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Жамшид САЪДИНОВ тайёрлади.

СОПОЛ ТАГИДАГИ "БОЙҚУШ"

Пул, мол-дунё, чексиз бойликга эга бўлиш тўғрисида уйламайдиган шахс кам бўлса керак.

Қадимий Юнонистонда Гилипп деган бир саркарда яшаган. У тўғрилиги, подшога садоқати, мамлакатни ҳар қандай ёвуз кучдан ҳимоя қилишда кўрсатадиган жасорати билан шон-шухрат эгаси бўлган.

Кунлардан бирида Гилиппга кўп миқдордаги пулни Спартага - ватан хазинасига етказиш топширилди. Махсус кишилар тилло тангаларни санаб, қопларга жойлаб, озгини тикиб, муҳрлаб, кемага орддилар. Кема сувда имил-йўл билан

бўлса-да қимматбаҳо юкни подшо хазинасига эсон-омон етказиш тўғрисида уйлар, тез-тез қопларни узи текшириб кўрарди.

Аслини олганда саркардага ҳеч қандай мол-мулк керак эмасди. Унинг хусусий давлати етти пуштига етқулик бўлган. Бироқ у ярим тунда кемадаги юкларни текшириб юриб, бир қопнинг таг қисмида йилтиллаб турган тилло тангага кўзи тушди.

Шу онда унинг фикр-ҳаёли остин-устун бўлиб кетди. Ватанига бўлган чексиз садоқати ўзгарди. Соқчиларнинг пинакка кетганидан фойдаланиб, қопларни чокидан суқди. Ҳар қопдан маълум миқдорда тангаларни ўғирлаб олди-да, йиртилган жойларни тикиб қўйди. Спартага келгач, ўғирлаб олган олтин пуллари уз уйининг томига ёпилган черепица (сопол-

дан ясалган шифр) тагида яшириб қўйди.

Спартада ҳар қайси қопдаги тангаларни назоратчилар санаб чиқишди. Қопга солинган қоғоздаги ҳисобга эса бирорта қопдаги танга миқдори тўғри келмас эди. Назоратчилар ҳайрон бўлишарди: муҳри жойида, пул эса кам.

Кема командасини сўроққа тутишди - ҳеч ким ҳеч нарса билмасди: ўғри топилмади.

Орадан кунлар ўтди. Гилиппнинг хизматкорларидан бири давлат назоратчиларидан бирига: "Сопол тагида талайгина бойқуш ухлаб ётибди", деди-ю гойиб бўлди. Бу гапнинг маъноси га утқир зеҳн

эгаси етаоларди. Саройда шундай донишманд олимлар бор эди. Улардан бири Афина таъсирида бўлган кўп шаҳарларда зарб қилинган тангаларга бойқушнинг тасвири туширилганини айтди. Назоратчилар Гилипп олиб келган тангаларга бойқуш тасвири туширилганини билишар эди.

Гилипп уйининг томига ёпилган сопол черепицалар ости текшириб кўрилганда, ҳақиқатан ҳам сопол тагида беҳисоб бойқушлар "ухлаб ётгани" маълум бўлди. Гилипп она юртини ташлаб, шармандаларча Афинадан чиқиб кетди. Халқ подшоликдан тилло пуллари муомалага чиқармасликни, арзимас қийматга эга бўлган темир тангаларни қолдиришни талаб қилди. Халқ талаби қондирилди.

Тўхтасин
МИРЗАРАҲМАТОВ

АМЕРИКАЛИК ДУГОНАМ

Турфа дунёда турфа халқ, элат, миллат мавжуд. Лекин уларни бир муштарак мақсад доимо жиқлаштириб туради. Бу барча давлатларнинг тинч бўлиши, дунёни болалар кулгуси билан тўлиқ кўриш иштиёқи. Дўстлик эса ана шу мақсадлар рўёби учун, ер шарининг осойишталиги учун хизмат қилиши лозим бўлган туйғудир.

Менинг америкалик дугонам ҳам Ўзбекистонга Тинчлик Корпуси вакиласи сифатида ташриф буюрган. Ҳаммасини бошидан бошлай.

Таътилда уйга бордим. Уйдагилар билан қол-ақвол сўрашганимдан сўнг, синглим "Опа, Карима холамларникида америкалик қиз яшайпти", деб қолди. Аяжонимдан "Исми нима экан, қанақа қиз", деб сўрадим. Аям

"Сенга ўхшаган кичкинагина, нимжонгина қизча, исми Шира, ҳаммамиз уни Шоирахон деяпмиз", дедилар. Тинчлик Корпуси, Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти ҳақида эшитганим, уларнинг фаолияти билан матбуот орқали таниш бўлганим учун ажабланмадим, лекин жуда хурсанд бўлдим. Чет эллик киши билан учрашиш, улар билан яқиндан суҳбат қуриш орзуларимдан бири эди-да. Эртасигаёқ холамларникига йўл олдим. Холам ўқишим, соғлиғим ҳақида сўрайдилару, мен саволларига пойинтар-сойинтар жавоб қайтариб Ширани сўрайман: "Қанақа қиз, яхшими, ўзбекча гапира оладими, қандай овқатланади?". Шу каби саволларимга эшикдан жилмайиб кирган, оддий кийиниб олган, ўзбекча ўхшайдиган қиз чек қўйди.

Шира деб таништирди ўзини. Мен ҳам исминни, у билан танишганимдан хурсандлигимни айтиб саломлашдим. Ўзбекчани бинойидек биладиган бу америкаликка ҳавас билан тикилиб қолдим. Оддий, содда, одам-

га савол аломати билан тикилиб турар экан. Мен ундан Ўзбекистон ҳақида, ўзбеклар ҳақида, қишлоқдаги шароитлар, Америка тўғрисида сўрадим. У саволларимга мулойим жилмайиб, ўзбекча жавоб қайтарди.

Шира Ротман - 1975 йилда туғилган. АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан-Диего шаҳридан. Калифорния университетининг психология факультетини тамомлаган. 1999 йил апрель ойида Ўзбекистонга келган. Учкўприк тумани соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Тошкентлигузар қишлоқ врачлик пунктда ишламоқда. Унинг ишлари жуда кўп. Қишлоқ врачлик пунктга қарашли бўлган ҳудуддаги мактабгача таълим муассасасида, мактабда, дам олиш оромгоҳларида бўлиб, болалар, ўқувчилар билан учра-

шади, улар билан соғлиқни сақлаш, шахсий гигиенага риоя қилиш борасида узоқ суҳбатлашади. Болалар билан турли соҳаларда фикр алмашади. Конференцияларда, анжуманларда иштирок этади. Хуллас, иши кўп.

Шира ўзбек урф-одатларини, тўйларни яхши кўришини айтди. "Мен ўзбек халқига, унинг одатларига меҳр қўйиб қолдим. Мустақил юртингиз ҳақида аввалроқ билмаганимдан афсусдаман. Менинг вазифам, ҳаммамизнинг ҳам вазифамиз, ўйлайманки, дунёда тинчлик ва дўстликни мустақкамлаш. Барқарорлик, осойишталик учун юракдан ҳаракат қилиш. Менинг миллатим, диним бошқа, лекин мен ҳам инсон деб аталмиш мавжудотман. Инсонлар эса бир-бирларига биродардилар".

Шира Ўзбекистонда яна 2 йил яшайди. Жуда кўп хайри ишларни амалга оширади. Биз юртимизнинг доврғини Америка дёбирида ёядиган яна бир дўст топдик.

Шарифа МУРОДЖОН кизи

Tanishuv

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Исломда асосан икки байрам хурсандчилик билан нишонланади. Булар "Ийд ар-Рамазон" ва "Ийд ал-Адҳа"лардир. Мана бугун ислом оламининг улуғ байрами — муборак Рамазон кунини.

Мазкур байрам рамазон ойи рўзаси тутиб бўлингандан кейин, Шаввол ойининг биринчи кунини нишонланади. Бу кунда мусулмонлар рўзани тутиб олганликлари ва шундай улуғ байрамга етганликлари билан бир-бирларини муборакбод этишади. Болаларга турли ширинликлар, ўйинчоқлар улашишади. Шаръий маросимлар ва ўйинлар уюштирилади.

Рамазон ҳайити кунини тонг отгач, ҳайит намозига тамадди қилиб, мисвок билан тозаланиб, гусл билан покланиб, хушбўй атру гулоблар сепиб, покиза, оҳорли кийимлар кийиб, фитр садақасини бериб, ҳайит намозига борадилар.

Ийд фитр барчамизни 30 кунлик нафсларимизни тарбиялайдиган бир мактаб-мадрасани ёки малака ошириш босқичини эсон-омон тугатганимиз байрами ҳамдир.

Ҳайитда Аллоҳ таоло томонидан гуноҳларнинг кечирилиши — бу катта байрамдир. Аллоҳ таоло муборак рўза кунлари минг-минглаб одамларнинг гуноҳларини кечириб юборар экан. Ҳайит кунини эса Рўза кунлари қанча одамнинг гуноҳини кечирса, яна шунча одамнинг гуноҳини кечиради экан. Мана шунинг учун Ийд-Рамазон муборакбод қилинадиган байрамдир.

Бу байрам кунларида баъзи одамлар томонидан ўтказила-

диган мотамга алоқадор маросимларнинг шариатга алоқаси йўқ, чунки бу маросимлар байрамона кайфиятга ва улардан кўзланган мақсадларга пўтур етказилади.

ҲАЙИТ

**Ҳайит кунларида жанглар ҳам тўхтаб,
Қиличлар қинига қайтиб киргувси.
Мўминлар эгизак жонларга ўхшаб,
Ўзгага боққан чоқ ўзни кўргувси.**

**Умидвор ҳар кимса топиб кушойиш,
Қоронғу дилларга ёғиб тургай нур.
Уйқуда фароғат, юртда осойиш,
Дуолар ижобат, ниятлар манзур.**

**Аговат, ҳасадни касб этган инсон,
Майли шох ё гадо, ё сайиғ бўлсин.
Илоё, барига бахш этсин иймон,
Ўтар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бўлсин.**

Ҳожи Абдулла Ориф
Тўпловчи Ф.ХОЛМИРЗАЕВА

Bilasizmi

ГЕОТЕРМИК ЭНЕРГЕТИКА

Кишилар қадим замонлардаёқ ер ости иссиқлигидан фойдаланиш йўллари ахтаришган. Тарихий манбаларга кўра, бундан қарийб икки ярим минг йил муқаддам италияликлар иссиқ булоқ сувидан фойдаланишган.

Ер остидан чиқадиган буғ илк бор 1874 йили механик энергия манбаи сифатида ишлатилган.

Геотермик энергетика том маънода 1904 йилнинг 4 июлида дунёга келди. Чунки шу санада Италиянинг Лардерелло деган шаҳрида мўъжазгина буғ двигатели биринчи бор электр энергия ишлаб чиқара бошлаган эди. Бу ердаги мавжуд ГТЭСнинг қуввати 320 минг киловаттга етди. Улар ишлаб чиқарган электр токи шу пайтгача энг арзон деб ҳисоблаб келинган Ниагара шаршарасидаги электр станцияларининг электр токига нисбатан камида йигирма фоиз арзонга тушади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.



Меҳнатнинг меваси ширин

Шагдайн Цэнд –АЮУШ
/Монголия/

СЕН КИМНИНГ ЎҒЛИСАН?

Биз хотиним билан кинога бормоқчи бўлиб турган эдик, шу пайт эшик кўнғироғи жириглаб қолди. Эшикни очдим. Эшик олдида юзлари шамолда қорайган бир бола турарди.

— Кимнинг ўғлисан? — сўрадим болақайдан.

— Дада, — деди бола жовдирганча.

— Нима? — жажлим чиқиб дедим.

— Нима қилди? — ойна олдида ўтирган хотиним сўради.

— Қанақадир бир бола мени дада деяпти.

— Дада деяпти? — сўради хотиним ва эшик олдида келди. У қаҳр билан олдин менга, сўнгра болақайдан қараб олди.

— Демак, бу сенинг даданг? — сўради у.

— Қанақа бола ўзи бу, дада эмиш-а, — дедим бўзариб.

— Шошмай тур, ҳозир ҳаммасини аниқлаймиш! Узи сенга турмушга чиқишда ҳам шубҳаланувдим...

— Сўнг болага ўгирилиб сўради: — Ойинг ким?

— Сиз, — деди болақайдан бурнини тортиб.

— Демак, сен менга турмушга чиқишда шубҳалангансан, — жилмайдим мен — Хўш, хўш...

— Бола алдаяпти! — бақирди хотиним.

— Хой, шумтака, уят эмасми сенга!

Бола бурнини тортиб кўяркан,

чўнтагидан расм олиб менга узатди. Мен расмда хотиним билан ўзимни кўрдим.

— Бу яна қанақа ҳазил, — жажлим чиқиб дедим, шу пайт хотиним менинг гапимни бўлиб деди:

— Тўхта, тўхта... Ахир, бу бизнинг қишлоқда бувисиникида яшаётган ўғлимиз эмасми?

— Ҳа, бу мен — деди болақайдан.

— Бояскалан, ўғлим — йиғлаб юборди хотиним. — Ойингни кечир, сени танимагани учун...

— Мен Бояскалан эмас, унинг акасиман.

— Қанақа онасан ўз ўғлингни танимасанг. Золзаян, ўғлим келмак ўзимга.

Бола яна кескин бош чайқайди. Бундан чиқди бу бизнинг тўнғичимиз — Боярсайхон.

Қара вақтнинг тез ўтишини, болалар шунча тез ўсишадия, — ўғлимизни бағрига босиб деди хотиним.

— Менинг назаримда биз уларни кечagina қишлоққа жўнатгандаймиш... Ўғлим нимага келдинг?

— Биласизми дада, мактабга кеч қолувдим, қайтиб борсам бувим уришиб берадилар... Автобусга ўтирдим-у келавердим...

— Яхши, — деди хотиним. — Дарс қолдириш! Бу ҳақимаси қишлоқча тарбиянинг оқибати!

Русчадан
Насриддин БОТИР
таржимаси.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

9 январь – 15 январь

КҮЙ (21.03-21.04). Ҳафта сиз учун хайрли келади. Душанба ва шанбада хушхабарлар тинглайсиз. Пайшанбада кўнглингизга ёққан хабарларни қиласиз. Хуллас, ҳафта сиз учун ёмон бўлмайди.

БУЗОҚ (22.04 - 20.05). Келаётган ҳафта сиз учун омадли ва хайрли кечади. Ҳафтанинг бошиданок молиявий аҳволингиз яхшиланади. Чоршанба кунларида бориб кизгин меҳнат кучоғида бўласиз. Шунингдек, сешанба ва якшанба кунларидаги ажойиб учрашувлар кўнглингизни тоғдек кўтарди.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06). Душанбадаги романтик учрашув эсда қоларли бўлади. Чоршанба кунини молиявий аҳволингиз яхшиланади. Пайшанбада ўзингизга маъқул харидлар қиласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Ҳафтанинг душанба кунини саломатлигингизга эътибор беринг. Сешанба ва шанба моддий томондан манфат келтиради. Шанба кунини яхши харидлар қиласиз.

ШЕР (23.07-22.08). Ҳафта сиз учун хайрли келиши кутилмоқда. Сешанба кунини молиявий аҳволингиз яхшиланади. Пайшанбадаги бироз нохушликни назарда тутмаганда, жума ва шанба кунларида ҳам омадингиз келади. Дам олиш кунлари эзгу муждалар тинглайсиз.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Режалаштирган ишларингизни иложи борица ҳафтанинг биринчи ярмида бажариб олинг. Душанба ва чоршанбадаги хушхабарлар ҳам сизга куч-қувват ато этади. Ҳафтанинг охирига бориб бироз толиқиш сезилади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафтанинг бошида хайрли муждалар тинглайсиз. Пайшанба кунини зиддиятли вазиятларга дуч келишингиз мумкин. Дам олиш кунларида чўнтагингиз пул кўрса ажаб эмас.

ЧАЁН (23.10-22.11). Ҳафта сиз учун омадли келади. Бу борада ҳафтанинг бошларидан кўп нарсалар умид қилиш мумкин. Пайшанбада соғлигингиз хусусида ўйлаб кўринг. Дам олиш кунлари ажойиб харидлар қилишингиз мумкин.

ЎКОТАР (23.11-22.12). Душанба ва шанба кунлари моддий жиҳатдан қулай кунлар. Чоршанбада хушхабар ошитасиз. Шанба кунини алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (23.12-19.01). Ҳафтанинг биринчи ярмида айрим нохушликларга дуч келасиз. Душанба ва пайшанба кунларида мижозароли вазиятларга тушиш хавфи бор. Дам олиш кунлари молиявий масалаларда ишингиз ўнғланади.

КОВҒА (20.01-18.02). Ҳафта сиз учун кўп жиҳатдан ўнғай. Пайшанбада чўнтагингизга пул кириши мумкин. Жумада амалий учрашувлар бўлиши кутилади. Фақат сешанба кунини соғлигингиз ҳақида ўйлаб кўринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Ҳафтанинг бошида сизни алдаб кетишлари ва мижозароли вазиятларга дуч келиб қолишингиз мумкин. Пайшанба кундан бошлаб вазият хайрли томонга ўзгаради. Ҳафта охири яна омадли бўлади.

Xullas...

ЖАРИМАДАН СЎНГ
ЖАЗОЛАШ

Итбоқарлик, эсласангиз, ҳу, уша Пушкин даврларида ҳам мавжуд эди. "Дубровский" қиссасидаги қахрамонлар туқнашуви хотирангизда булса керак.

Итга меҳрибонлик курсатиш керак, аммо ён-атрофдагиларга ҳеч қандай хавф-хатар етмасин. Куженер шаҳридаги (Мари респ.) мактаблардан бирига "ташриф буюрган" турт оёқли "жаноб" бир эмас, ун укувчининг юрагини така-пука қилди. Куппак тишлаб олгач, болалар кутуриш касаллигига қарши даволана бошлашди.

Ит уз соҳибининг доимий гамхурлигида "арзанда" бўлиб, бу гал узича "сайру-саёҳат" қилмоқчи эди. Очикроғи, итбоқар уз "эрмағи"нинг бу ҳаракатини сезмай қолган.

Маъмурий тартибдаги жаримани марҳамат қилиб тулаб қуйган ит эгаси уз навбатида уйга келиб, суйлоқ тишли "дусти"ни бошлаб калтақлади.

Кошки, куппак бунини "тушунса"...

АНТИҚА «ДОРИ»
БИЛАН АНТИҚА
ТАЖРИБА

"Летувос ритас" газетаси мухбирлари таҳририят ҳовлисида турган ярим челақ мумий аралаш қум устида ярим ҳазил, ярим чин эксперимент утказмоқчи булишди. "Тибет тоғларидан келтирилган "шифобахш дори" деган ёзув билан мухбирлар шифобахш қумни тезликда Вильнюс шаҳридаги бозорларнинг бирига юборишди. Антика дори турган гапки, харидорлар диққатини тортар, сал нарсаса лаққа тушадиган кишилар оз-оздан харид ҳам қилишарди.

Унча-мунча Тибет табобатида хабардор киши бу луттибозликни куриб, жиғибийрони чиқди. Журналистлар бу билагон кишининг пулини қайтариб беришди.

Мақсад эса шахарликларнинг Тибет табобатчилигидан қай даражада хабардор эканлигини аниқлаш эди.

ГАЗНИҚОБ БИЛАН
ШАҲАРДА

Ҳар гал Санкт-Петербург шаҳрига йули тушса, Игорь деган рус йигити узи билан газниқоб олади. Зеленогорск шаҳрида истиқомат қилувчи Игорни Петербургда бош огриги, нафас бугилиши безовта этади.

Газниқоб кийиб олса, тамом, вассалом, муаммо йўқ. Ниқоб ҳавони филтёрлаб, Игорга етказилади.

ana shunaqa
gaplar...